

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Педагогика факультети Педагогика-психология йўналиши

4-босқич талабаси Зияева Муслиманинг

Битирув малакавий иши

Мавзу: Ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантириш

Илмий рахбар: психология фанлари номзоди, доцент Н.Ёқубов

Қўқон-2011

Режа:

1. Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Маънавий янгиланиш ва комил инсон

тарбияси

2. Асосий қисм. Ўқувчи-ёшларда миллий истиклол ғояси ва соғлом дунёқарашни шакллантиришда ўзбек миллий-диний қадриятлари, урф-одатлар, таълим-тарбиянинг ўрни

2.1. Ўқувчи-ёшларда миллий ғурур ва миллий ўзлигини англашни шакллантириш. Миллий ўзликни англашнинг миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришдаги аҳамияти.

2.2. Ёшлар онгида миллий мафкурани шакллантиришда она тили таълими ва адабиётнинг роли.

2.3. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришдаги аҳамияти.

2.4. Мафкуравий таълим-тарбия, ўқувчи ёшларнинг мафкуравий дунёқараши, эътиқоди, амалий малакаларини шакллантириш, мафкуравий хавфсизлик ва иммунитетини кафолатлаш муаммолари.

2.5. Ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг ўрни.

3. Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кириш. Мавзунинг долзарблиги.

Маънавий янгиланиш ва комил инсон тарбияси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А Каримов ёшлар онгида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг ҳаётий зарурат ва долзарблиги ҳақида сўзлар экан, “Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат – этибор, мустақил Ватанимизга меҳр муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда”,- деб алоҳида таъкидлайдилар. Зеро бола тарбияси, жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган оиладан бошланади.

Мустақил тараққиётнинг ўтган 16 йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотлар халқимизнинг маънавий янгиланиши, ҳар бир инсоннинг ўз ақлий, маънавий фаолиятини эркин намоён этиши учун имкониятлар яратди. Яъни, Республикамизда ҳар бир фуқаро жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш, сўз, фикр ва эътиқод эркинлигидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз И.Каримов сўзлари билан айтганда: «Мустақил тафаккур, эркин ва ижодий фикрлаш маънавий ҳаётимизнинг мезонига айланди». Демак, комил инсон тарбияси таълим тизимининг барча босқичларида асосий ғоя бўлиб, миллий ва умумбашарий моҳиятга ва халқ эзгу орзусига айланган.

Мустақил мамлакатимизда комил инсон тушунчаси озод ва эркин фикрловчи, ўз халқининг келажаги учун курашувчи, Ватан ва халқига содиқ, ҳалол меҳнат қилувчи кишидир.

Ўқувчи-ёшларга комил инсон ғоясини сингдиришда унинг жамият тараққиёти билан боғлиқлигини, миллий қадрият сифатида шаклланганлигини тарихий манбалар асосида тушунтириш лозим. Жумладан, муқаддас «Авесто»да

комиллик: «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» ғояси асосида инсонларга яхшилик қилиш, ерларни экиш, серҳосил қилиш, дарахтларни ўстириш каби ифода этилади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий комил инсон тушунчасини «Фозил шаҳар аҳолиси» асарида шахснинг маънавий баркамоллигини адолатли жамият қуришнинг асосий мезони деб ҳисоблайди.

Мустақил Республикамизда ўқувчи-ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш олий мақсадимиз бўлган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш»га хизмат қилади. Чунки комил инсон тарбияси миллий қадриятларимиз, буюк аجدодларимизнинг орзу-умидлари ва асосий ғояси бўлиб келган. Шу боис Республикамиздаги барча таълим тизимида комил инсонни тарбиялаш миллий истиқлол ғоясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, комил инсон тарбияси узлуксиз фаолият бўлиб, бунда таълим ва тарбияни уйғунлаштириш, миллий қадриятлардан, халқимизнинг маънавий меросидан фойдаланиш билан бирга замонавий асарлар, манбалар, тарихий ёдгорликлардан фойдаланиш зарурдир. Бунинг учун қуйидагилар муҳим восита ҳисобланади:

1. Ўқувчи-ёшлар билан мулоқот, давра суҳбати, баҳс-мунозаралар уюштириш. Бунда миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари юзасидан, айниқса, «Ватан равнақи», «Эл-юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги» учун фидоийликни шакллантириш ва бунда буюк аجدодларимизнинг юртимиз босқинчиларига қарши курашдаги жасоратлари, жанглардаги матонатлари ҳақида тарихий манбалар асосида мулоқот уюштириш мумкин. Халқимизнинг озодлик, мустақиллик йўлидаги ҳаракатлари, айниқса, қатағон йилларидаги қурбон бўлган ватандошларимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари, улар асарларида ифодаланган маънавий-маърифий ғоялар ҳақида давра суҳбатлари уюштириш, асарлар юзасидан амалий анжуман, семинарлар ташкил этиш яхши натижа беради. Бу эса ёшларни «ўз ақли, ўз фикри, ўз

қобилияти» билан ҳаёт кечирадиган, меҳнат қиладиган инсон қилиб тарбиялаш имконини беради.

2. Ўқувчи-ёшларни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, комил инсон ҳақидаги назарий билимларини ошириш ва мустаҳкамлаш.

Бунинг учун «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг мустақиллик йилларида шаклланганлиги, унинг мазмун-моҳиятини асослаб берган Президент И.Каримов асарлари асосида дарсларни қизиқарли, ҳар бир тингловчилар ёшига, билиш фаолиятига мос ҳолда тушунтиришга диққат қилиш лозим. Айниқса, ҳар бир дарсда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича кўргазмалардан фойдаланиш, тарихий, ҳозирги кундаги Ўзбекистон тараққиётидаги мисоллар асосида тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўқувчи-ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришга, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда фаол иштирок этувчи баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилишини чуқур англаш малакасини ўстиради.

3. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, комил инсонни шакллантириш. Маънавий-ахлоқий тадбирларда юқоридаги вазифани амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса ўқувчи-ёшлар иштирокида баҳс-мунозара, анжуман, давра суҳбати, танлов каби тадбирларни ўтказиш, унда ўқувчилар фаоллигини ошириш муҳимдир. Айниқса, миллий қадриятларни тарғиб қилишга доир анжуман, адабий кеча, танлов, бадий асарларни сахналаштириш, рефератлар кўргазмаси ташкил этишга аҳамият қаратиш зарур. Бундай тадбирлар орқали ўқувчи-ёшлар комил инсонни шакллантириш, озод ва обод Ватанни юксалтириш ўз бурчи эканлигини англаб етадилар.

4. Ўқувчи-ёшлар онгида шаклланиб бораётган комил инсон ғоясини муҳофаза қилиш.

Бунинг учун ҳар бир ёш қалбига бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга ҳурматни кучайтириш, она тилини пухта билиш ва ҳурмат қилиш, она-аёлни эъзозлаш ва улуғлаш, оилани мустаҳкамлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, ҳар бир инсонни қадрлаш, оила, маҳалланинг тарбия маскани

эканлигини, ота-она, катталарнинг ибрат намуналарини сингдиришга аҳамият бериш лозим. Бунда, айниқса, катталар, ота-оналар, ўқитувчи-мураббийларнинг ибрат-намуна бўлишлари, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатлилик, ёшларга меҳрибонликни тарбиялаш орқали уларда соғлом фикрлаш, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, ғамхўр ва меҳрибонликни шакллантириш ва ёшлар орасида соғлом муҳитни яратиш, комил инсон ғоясининг ёшлар эътиқодига айланиши таъминланади, уларда ўз-ўзини назорат қилиш ҳисси шаклланади.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида таълим сиёсати асосий масала ҳисобланади. Чунки «Ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи» Конституциявий кафолатланган бўлиб {41- модда), унинг комил шахс бўлиб етишиши учун «фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлига» (29-модда) берилади. Шунингдек маънавий тарбия олиб бориш давлат назоратдадир (57-модда). Бунинг маъноси шуки Ўзбекистонда таълим сиёсати, жумладан маънавий тарбия ишлари эркин, ҳурфикрликка асосан ва жаҳон андозаларига мос равишда олиб борилади. Аммо, турли оқим ва йўналишларнинг давлатдан ташқари ишлари, хатти-ҳаракатлари маънавий тажовуз сифатида қабул қилинади ва улар қонун воситасида таъқиқланади. Бу таълим-тарбия ишларидаги давлат мазмунидир. Бу ўринда «маънавий тарбия» иборасининг мазмунини аниқлаштириб олайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонининг уйғотадиган қудрат ботиний кучни тасаввур қиламан» (ИАКаримов Ўзбекистон XXI асрга ингилмокда. Т. Ўзбекистон 1999, 17-бет),- деб ўз фикрини билдирган. Демак, бу фикрга кўра маънавий тарбия «қудратли ботиний куч»дир. Унинг мазмунини қуйдагидар ташкил қилади: инсонни руҳий поклаш; юксалишга даъват қилиш; ички оламини бойитиш иродасини мустаҳкамлаш; эътиқодини тўғри шакллантириш; виждонини уйғотиш. Булар маънавий тарбиянинг асосий вазифаси ҳамдир. Эътибор қилинса, бунда ижтимоий ва педагог-психологик муаммолар ўз аксини топган. Шу маънода маънавий тарбия ижтимоий педагогик

зарурият сифатида юзага чиқмоқдд. Мам лакатимизда янги турдага ўқув юртлари академик лиўейлар ва касбхунар коллежлари ташкил қилинмоқди. Бу билан Ўзбекистон таълим изимида янга йўналиш пайдо бўлди. Уларда янги умидлар билан мустаҳкамлаш йилларида илк бор мактаб остонасига қадам қўйган ўқувчилар таълим олмоқда. Демак, бу ўқувчилар бутунлай янги педагогик технологиялар асосида тарбияланшпи ижтимоий—педагогик заруриятдир. Маънавий тарбия ана шу янги педагогик технологиялар асосида амалга оширилиши керак. Эътибор берилса, таълимга нисбатан тарбия устуворлиги касб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида мақсад таълимли тарбияни эмас, тарбияли таълимни амалга оширишдан иборат. Шундай қилиб, янги турдага ўқув юртлари ўқувчилари маънавий жиҳатдан тарбияланиши лозим. Бунинг учун уларда Президегаимиз — нинг юқорқдд баёи қилган маънавий тарбиянинг моҳиятини сингдириш лозим. Бошқача айтганда, янги турдага ўқув юртлари ўқувчиларини маънавий тарбиялашда ушбу туйруларнинг уларда шаклланишига жиддий аҳаш-мт бериш ва бутун фаолиятини шунга йўналтариш лозим: 1. Ўқувчиларда руҳий покланиш шакллантириш. Бунда биз собиқ Совет педагогикасидан қолган фикрий чекланишлар, тушунчалар ва қарашларни ўқувчиларнинг покиза онгига қилишимиз шарт. Улар мустақиллик даврида туғилган ва мустақиллик даврида шаклланган янга тушунчалар билан тарбияланиши керак. Бу руҳий покланиш шакллаширишдир. 2. Юксалиш бугун ўқувчини ҳамиша изчил юксалишга даъват қилиши лозим, Бунинг учун улар даоъмат усул билан ишлаш услуби ўзгариб, буйруқ воз кечиш ва унинг ўрнига муроса мулоқот йўлини танлаш мақсадга мувофикдир. Бу борада ўқитувчининг вазифаси йўналтириш бўлади, холос. 3. Ички билимшш бойтиш. Ўқувчининг билимини, умуман ички оламини бойитишда тушунчаларни мутлоқ ҳақиқат сифатида такдим қилишдан чекиниш керак. Энди ўқувчиларни кўпроқ тинглаш, ҳақиқатлани бахсларда излаш ва ўқувчи фикрини кўпроқ хисобга олиш кўзланган мақсадга етказди. 4. Иродасини мустаҳкамлаш. 5. Тўғри фикр шакллантириш. Бунда ватанпарварлик, диний ва замонавийлик эътиқод тушунчаларини ўқувчиларга етарли даражада

шархлаб берилиши керак, Улар миллий, диний ва шовинистик тажовузлардан мухофазаланиши лозим. Улар ўта динпараст ёки ўта замонапараст бўлмаслиги бизнинг бурчимизга тааллуқли иш. 6. Виждонли қилиб тарбиялаш. Бунинг учун Ватан манфатига садоқат, адолат ва жамиятга мухаббат туйғусини ўқувчи калбида шакллантириш лозим. Санъатнинг барча турларидан, матбуотдан ва жамоатчилик имкони ятларидан кенг фойдаланиш виждон тарбиясининг механизмидир. Токи ўқувчида ҳамиша ўз-ўзини ҳисоб бериб туриш хисси шакллансин. Шундай қилиб, бу қонуниятлар ўқувчиларнинг маънавий тарбияланиш ижтимоий-педагогик зарурият қилиб қўяди. Бунда ўқувчида янгича тафакурни, аввало, давлат тафаккурини шакллантиришни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида Давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан бошлаб ижтимоий ҳаётимизда туб ўзгаришлар даври бошланди. Айниқса халқимиз менталитетини кескин кўтариш, таълим–тарбия ишларини мустақиллик ва истиқлол мазмунига монанд равишда ривожлантиришга киришилди. Бу ишларни кенг маънода ташкиллаш учун зарур бўлган ҳуқуқий манбалар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва бошқа қонун ҳужжатлари бунга яққол мисолдир. Уларда таълим – тарбия муассасалари ходимлари зиммасига улкан ва маъсулиятли вазифалар юклатилди. Энг аввало ёшларга мустақиллик ва истиқлол ғояларини сингдириш, ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ислохотлар мазмуни ва моҳиятини чуқур таҳлил этиш ва барча фуқаролар эътиборига етказиш вазифалари белгилаб олинди.

Таълим муассасаларида ўқув жараёнини истиқлол мазмуни ва талаблари тубдан ўзгартириш ишлари авж олдирилди. Ёшларнинг билим асосларини эгаллаш, миллий қадриятларимизни ўрганиш борасидаги фаолликлари ҳар томонлама қўллаб – қувватлаб келинмоқда. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан таълим – тарбия соҳасига катта эътибор берилаётганлиги, кўп миқдорда маблағлар сарфланаётганлигини чин юракдан

хис этган ёшларимиз ҳозирги замон фан ютуқларини ўзлаштириш борасида иқтидор ва ижодий меҳнатларини авж олдириб юбордилар.

Мустақиллик йилларида ёшларни тарбиялаш масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланиб қолди. Ҳаёт тажрибасидан шу нарса маълумки, ёшлар, аввало, оилада, кейинчалик, мактаб ва олий таълим масканларида тарбия оладилар. Шу нуқтаи назардан қараганда ота-оналар, педагог-ўқитувчилар ёшларнинг бош тарбиячилари бўлиб ҳисобланадилар. Олий даргоҳда таҳсил олиш имкониятига эга бўлган ўқувчиларнинг камол топишлари, ўқимишли ва маданиятли инсон бўлиб етишишлари уларнинг тарбиячиларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тарбиячилар ўзларининг педагогик фаолиятларида ёшларга тарбия беришнинг барча имкониятларини ишга солиб, уларни чуқур билимли ва баркамол инсон этиб тарбиялаш масалаларини ҳал этиб борадилар. Ўзларининг узоқ йиллар мобайнида шаклланган тарбиявий тажрибаларини шогирдларига етказиб, жамият олдидagi бурчларини шараф билан бажаришга уринадилар. Уларнинг бундай ибратли тарбиявий таъсир этиш фазилатлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўқувчилар ўзларининг устозларидаги тарбиявий омилларга тақлид қилиб фаолият кўрсатадилар. Уларнинг бундай ҳаракатларида «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматли гапнинг мазмуни тўла ифодаланганини кўрамиз. Катталар орасида «Сенга тарбия берган ота-онанг ва устозингга раҳмат» олқишларни олиб ўқиётган ўқувчилар кўпчилиқни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланувчи нутқида юртбошимиз «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир» деб таъкидлади.

Ўқувчилар тарбиясини ўз диққат марказида сақлаб келаятган ўқитувчилар тарбия соҳасидаги долзарб муаммоларни бартараф этиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ёшларнинг фан асосларини чуқур эгаллаши, мукаммал билим эгаси бўлиши, миллий кадриятларимиз, маънавий меросимиз ва юксак маданият намуналарини ўрганиши, ўқувчиларнинг ҳозирги замон таълими ва тарбия масалаларига ижодий ёндошишларини юксалтиришга аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик ва истиқлол ғоясини ўқувчиларга сингдириш борасида олиб борилаётган ишлар ва тадбирлар доираси тавона кенгайиб бормоқда. Ўқув машғулоти ва мустақил таълим жараёнида бу масалалар ўз ечимини топмоқда. «Мустақиллик – буюк неъмат», «Мустақиллик бу ҳуқуқ демакдир», «Мустақилликни мутаҳкамлайлик» сингари йўналишлар бўйича ўтказилган тадбирлар қизиқарли ва эса қоларли бўлганлиги мақсадга мувофиқдир.

Бу эса ўз навбатида таълим–тарбия ислохотининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда эркин ва мустақил фикрлайдиган, интизомли ва кенг мушоҳадали шахсларни тарбиялашни тақозо этади. Чунки Президент И. Каримов таъкидлаганидек: «Демократик жамиятда ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади».

Юқоридаги талабни бажариш мақсадида Республика олий таълим муассасалари меҳнат жамоалари ўқувчи–ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда, айниқса, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича узлуксиз равишда бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар:

- ўқув жараёни давомида ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишларини шакллантириш, жамият ва давлат манфаатлари, амалдаги қонунлар ва тартиб–қоидаларни билиш ва уни ҳурмат қилишга доир тадбирлар ташкил этилмоқда;

- ҳар бир ўқув машғулотидида махсус фан асосларини бериш билан бирга ўқувчиларни жамиятда ўрнатилган қонун–қоидалар ижроси ва унда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишга ўргатиш, уларни тартиб–интизомга одатлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ўқувчилар тарбиясининг долзарб муаммолари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент Фармонлари ва Ҳукумат Қарорларида меъёрий тарзда ифода этилган. Шунинг учун ҳар бир дарс

машғулотларида ўқувчиларга мулк ва мулкый муносабатлар, интизом, сиёсий тузум, ҳуқуқ ва бурчлар ва уларнинг кафолатланиши ҳақидаги маълумотлар бериб борилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилаётган буйруқлар ва кўрсатмалар ўқувчиларнинг интизоми ва онгли меҳнат фаолиятини тартибга солиш, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий фазилатларини тарбиялаш ишида йўналтирувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир педагог томонидан ўтказилаётган машғулот ва тадбирларда юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал этишга доир ишларни амалга ошириши ҳамда самарали таълим-тарбия натижаларига эришмоғи лозим.

Ёшлар ўртасида тарбиявий масалаларни ҳал этиш учун маънавий—маърифий йўналишда ҳар ҳафтада ўтказилаётган «Маънавият дарслари» муҳим аҳамият касб этади.

Миллий моделга сингдирилган бош мақсад — раванқ топаётган, кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятанинг шаклланишига хизмат қилиши лозим бўлган гоёнинг қудратли салоҳиятини англамоқ ва тушунмовдир. Бу ўз навбатида, ушбу салоҳиятни қандай, қайси йўл билан рўёбга чиқариш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид амалий тадбирларни ҳаётга жорий эташ билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топиш имконини беради. Республикаимизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш меърий дастури” асида Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга тадбиқ этишнинг меърий асоси, восита ва механизмидир. Модел. ва дастур шаклшубҳасиз ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўддирувчи ўзаро биргаликда амалга ошириладиган жараёндир. Аммо, тадбиқ қилшўда уларни мустакил ҳолда алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш зарур. Кадрлар тайерлаш миллий модели ва дастури миллий истиқлол гоёсининг ажралмас таркибий қисми, Ўзбекистон фуқароларининг янга авлодни шакллантиришнинг асосий поўдевори эканлигани ҳам унугмаслигамиз керак. миллий моделнинг қимматбаҳо хусусиятлардан бири, унда бош мақсадга эришиш йўлидаги

давлат, жамият ва шахснинг манфаатлари узвий равишда бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганлигидадир.

Шахс моделининг изчиллигани ва яхлитлигини таъминлайдиган асосий элемент бўлиб, миллий дасгурда айтилганидек, «Республикада амалга оширилаётган тағлим соҳасидаги ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи, бу инсон омили, унинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигидир» деган қонданинг асосий моҳияти ташкил этади. Миллий моделда ва дастурда туб ўзгаришларнинг асл мақсади, таълим тазимини ислоҳ қилиш туфайли бўлиб берадиган барча ўзгаришларнинг асосий ва бош йўналиши, аниқ вақтда бу жараёнларда давлат ва жамиятнинг ўрни ва вазифалари аниқ, равшан кўрсатиб берилган. Яъни: «Шахснинг ҳар томонлама ривожланишини, унинг замонавий ўзгариб бораётган жамият ҳаёти билан мувофиқлаштириш, таълимий ва касбий дастурларни оқил равишда танлаш ва уларни босқичда босқич ўзгартириш, жамият, давлат ва оила олдига ўзининг масъулиятини ҳис қиладиган фуқароларни тарбиялашдан иборат».

Мақсад шуки, таълимни ташкил қилиш, бошқариш борасида ўтказилаётган ислохотлар, таълимий ва касбий дастурлар ва тарбиявий - маърифий лойиҳаларнинг моҳиятини белгилаш, ахборот ва педагогик технологияларни танлаш каби бу тизимнинг асосий вазифаси, яъни таълимнинг давлат, жамият ва шахсий қадриятларни уйғунлаштириш орқатиб баркамол шахснинг шаклланишига йўналтирилган миллий моделнинг бош мақсадини англаб бориш. Моделнинг стратегик ҳолатлари ва талабларига қабул қилинажак қарорларнинг мос бўлишига эришишдир. Шу ўринда миллий моделнинг асл моҳияти ва бош мақсади, ёшларга шунчаки билим бериш эмас, балки уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш эканлигини унутмаслик керак. Ҳўш? Миллий модел асосида шаклланган шахс қандай сифатларга эга бўлади? деган савол туғилади. Бунга олим— ларимиз жавоб берганлар. (қarang: Ғозиев Э., Асомова Р. «Халқ таълими» журнали, 1999 йил, 5-сон). Шахснинг маълумот даражасига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришуви унинг камолотидан дарак беради. Ўз соҳасида касбий маҳоратини намойиш эташ егуқлик— нинг юксак

даражасини билдиради ва жамоагчилик фикрида илк из қолдиради. Новаторлик таклифлари, ихтиролари соҳасидаги муваффақиятини ифодалаб, бетакрор шахс эканлигани исботлашга хизмат қилади. Ноёб касб соҳиби, ўткир қобилиятли, истеъдодли етук шахс шакллангашши ижтимоий-тарихий воқелик сифатида юксак баҳоланади. Шахс камолотининг муҳим кўрсаткичи - субъектдир. Бу камолотга эришув ва ижтимоий-сиёсий етукликни намоёиш қилишдир. Етук мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий-тарихий фикрловчилар, сиёсатчилар, давлат раҳбарлари субъект босқичида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ушбу вазият оммавийлигига эришиш жамият тараққиётининг тезлаштириб, фидоий, толиқмас киигалар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Президент И.А. Каримовнинг энг нуфузли халқ аро ташкилотлардан бири **ЮНЕСКО**нинг Ибн Сино номидаги **Олтин медали** билан мукофотланиши, жаҳоннинг қатор обрўли таълим ва илмий марказларининг фахрий доктори ва профессори этиб сайлангаш ҳам Миллий моделимиз асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро эътирофига ерқин далилдир. Ҳар томонлама етук, шаклланган, комил инсон ғояси инсониятнинг азалий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Ҳар томонлама шаклланган шахс тўғрисида тасаввуф, суфизм илмий мактаблари бир қанча маълумотлар тўплашга муваффақ бўлганлар, шунингдек бу борада жаҳон инсонпарварлик тоялари билан қуролланган алломаларнинг изланишлари алоҳод ўрин эгаллаган.

Миллий модел нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар томонлама камол топган шахс, ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятида ижтимоий-тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳдни тараққий эттириш манбага айланади. Индивидуаллик намунаси миллий ва инсоний аҳамият касб этади, тараққиётни ҳдракатлантирувчи механизми вазифасини бажаради. Бу даражадаги шахснинг хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: юксак ақл заковатга эгалик, интеллектуал

фаолиятда маҳсулдорлик; ҳуқ, фаолият, муомила жараёнларида ўз имкониятини оқилона баҳолаш ва ўзгаларнинг ҳам худди шундай даражага эришуви; соҳага оид талант ва салоҳиятнинг амалий ифодаланишини таъминдаш; ҳар бир ихтисосликка оид қарашларда мукаммаликка, сермаҳсулликка ва динамизмга эришиш; ихсослараро билимдонлик комил инсон камологининг юксак босқичи бўлиб, ҳозирги даврда бир неча соҳалар бўйича мукамал билимларга, қарашларга эгаллиги билан характерланади; узлуксиз равишда кашфиётларни амалга оширишга қобиллик; ҳдр томонлама ривожланган шахснинг навбатдаги камолот босқичи ақлий донишмандлик деб аталади, Ақлий донишмандлик ахлоқий маданият, юксак ҳистуйғулар, муомала мароми, табиат ва жамият қоидаларига риоя қилиш, ахлоқий етуклик, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онг кўринишларига оқилона ёндошишни таъминлайди.

Миллий моделнинг бошқа таълим моделларидан мутлақо фарқи ҳдм айнан шундадир. Келгусида ҳам ушбу жихдт ислоҳотларнинг янги босқичига оид меъёрий - услубий ҳужжатларни тайёрлаш, қарорлар қабул қилишда асосий таянч бўлиши муқаррар.

Инсоннинг етуқлиги унинг ўзига, бошқа инсонларга, табиатга, жонзотларга, барча-барча нарсаларга оқилона муносабатида намоён бўлади. Инсон тани учун саломатлиги қанчалик зарур бўлса, қалби учун эзгулик шунчалик муҳим. Инсон ақлан ва ахлоқан бойиб боргани сари ўз олдига олижаноб мақсадлар қўяди. Зеро, инсоний муносабатлар заминида биринчи навбатда ахлоқ-одоб ётади. Биз одамларни дунёда яшагани учун эмас, балки ахлоқан етуклик даражасига кўтарилгани билан қадрлаймиз. Инсонга яхши ахлоқ шон-шухрат Келтиради. Ҳозирги кунда жаҳон маданияти билан маорифнинг илгор ғояларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан бирга, бир неча асрлик тарихга эга бўлган қадриятлардан фойдаланиш, дунёвий тарбия билан диний тарбиянинг маълум жиҳатларини уйғунлаштириш орқали иймонли, эътиқодли инсонларни тарбиялаш мумкин.

Ҳадис илми мукададс манба бўлиб, инсонни комилликка даъват этади. Комил инсон фақат тугри йўлни танлайди. Комиллик ортиқча нарсани хдм, камчиликни хдм ҳазм қилмайди. Шунинг учун ҳадисларда, «Ҳамма нарсада ўртаҳоллик лозимдир» дейилади, Ҳадислар инсоннинг ақлу заковатини чархлайди, тафаккурини бойитади, иродасини бақувват қилади, боқий саодат сари етаклайди.

Комиллик ҳақиқатга интилган сари виждонидаги доғларни равшанроқ кўра билшидир. Камолат йўлига чиқиш учун ўзлик англанади. Ҳаёли, тежамкор, бориға қаноат қиладиган, шукроналик билан тинч-тотув яшайдиган, ақлан ва ахлоқан етук, кибру-ҳаво, манманликдан йироқ, ўз халқи тинчлиги йўлида доимо тайёр турган инсон ҳадисларда таърифланганидек комил инсондир.

Комил инсон ҳақндаги ўйлар бизни Асака академик лиёеи ўқувчилари билан қуйидаги тадқиқотни ўтказишга даъват этди. Тадқиқотни ўтказишдан мақсад, ҳадис илми орқали ўқувчиларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, уларнинг ички дунёсини ўрганиб, ҳаётга тўғри йўл танлашга ўргатишдир. Демак, ҳар бир ўқувчи ўз «Мени»ни ўрганади. Комилликка интилган инсон ўз олдига мақсадлар қўя олади ва унга эришиш учун ўзини тайёрлайди. Шахс ўзини тарбиялаш қийин. Лекин бунга эршса бўлади. Бунинг учун инсон ўзига ишониши ва эътиқодига таяниши лозим. Ишонч ва эътиқод қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Мақсад сари ишилиш инсонда бунёдкор ғоялар туғилишига ва орзуумиддарнинг ушалишига сабаб бўлади. Мақсад сари интилган, ҳар бир фаолиятини изга солган инсонни масъулиятли инсон деймиз. Масъулиятли, ишончли инсон ҳар бир жамиятга ҳам жуда керак. Чунки у тараққиётга ўз ҳиссасини қўша олади. Демак, ўз олдига мақсад қўйиш ва унга интилиш инсоннинг фаолиятига бўлган талабчанликдан бошланади. Талабчанликни англаш учун ҳар бир ўқувчи ўзига савол беради. Саволлар ўйлашга ундайди. Ҳар ким ўз виждони олдида ҳолисона жавоб беради. Чунки виждон ёлғон гапиришга йўл қўймайди. Сатамар қуйидагача: Мен қандай инсонман? Мени қаўдай ижобий салбий ҳислатларим бор? Атрофда менга қандай берадилар? Мен салбий сифатларимни йўқотиш учун нималар қилишим керак? Мен учун ҳаётда идеал инсон ким? Мен баркамол инсон бўла оламанми? Шундан сўнг ўқувчилар

ўз фикрларини дафтарларига ёзиб борадтар. 1. Ўзимнинг шахсимни қандай Ижобий хислатларим Салбий хислатларим 2. Дўстимнинг менга бўлган муносабати. (Бу босқичда ҳар бир ўқувчи гуруҳдаги дўстига дафтарини беради ва ўзи ҳақидаги фикрларини ёзиб беришини илтимос қилади.) Дўстимнинг менга нисбатан билдирган салбий фикрлари. Дўстимнинг менга нисбатан билдирган ижобий фикрлари «Дўст ачитиб гапирар» деган халқ мақоли бор. Шунинг учун бир-бирини тўғри тушуниш керак. Инсон ўзи билмаган ижобий ёки салбий томонларини дўсти орқали англаб олиши мумкин».)

Ҳаётда сиз учун идеал инсон ким ва унинг қайси фазилатлари сизга ёқади. Катталардан, ота онангаздан, ўқитувчиларингиздан қайси салбий сифатларингиз учун кўпроқ дакки эшитасиз. 5. Мен учун зарур бўлган фазилатлар. Демак, юқоридагиларга асосланиб, ҳар бир шахс ўзидаги маълум салбий сифатларни тарбиялаши мумкин. «Қилинган барча ишлар ниятларига қараб қабул қилинади», - дейилади ҳадисларда. Демак, ҳаммамиз яхши ният қилишимиз, келажакка яхши фазилатлар, гўзал хислатлар, покиза умидлар билан интилиб яшашимиз керак. Ўқитувчи ёки психолог ўқувчиларнинг салбий сифатларини ўрганиши, уларни йўқотишга ёрдам бериши керак. Бу борада ҳадислардан фойдаланиш айтиш муддао. Чунки, ҳадислар тарбиянинг барча муаммоларини ўз ичига олади. Тадқиқот натижаларига қайтсак, 01.99 гуруҳ ўқувчиси Абдуллаев Бахтиёр ғзаби жуда тезлигидан шикоят қилган. Ҳадис илмида «ғзаби келганда ўзини тута олган инсон энг кучлидир» дейилган. Демак, курашда ғолиб келган инсон инсон эмас, балки ғзаби келганда ўзини тута оладиган инсон энг кучлидир. Шу тариқа инсондаги энг олий хислатларни тарбиялаш мумкин. Ёки 12.00 гуруҳ ўқувчиси Мақсудова Дилнозагана сақдашидан шикоят қилган. Ҳадисда «Мусулмон одам биродари билан уришиб, уч кундан ортиқ индамай юриши аликни ҳам йиғипгариб қўйиши ярашмайди. Ҳаммада ҳам бир феъл. бор, озмиқўпми аччиқ бор. Ўз иззат—нафсимизни химоя қилиб жahl устида уришамиз, талашамиз. Бунинг чегараси уч кундан ошмаслиги керак. Гина сақламай кечириб юборишлик, биринчи бўлиб салом бериш олийжанобликнинг белгисидир. Тадқиқот ўтказган ўқитувчи ёки

психолог хадис яхши билимга эга бўлиши ва ҳар бир ўқувчига ижобий ёқаашзшш керак. Яъни, салбий сифатларини тан олган ва ундан халос бўлишга интилган ўқувчига йўлйўриқ кўрсатади. Ақл неъматини шундай қудратли кучга эгаки, у билан инсон ўзини тарбия этади, ҳарқандай машаққатни, ёмонликни уҳам ақл неъматини билан енгиш мумкин. Инсоннинг ҳар кунлик фаолиятини изга солиши унинг ақл. неъматига эга эканлигадан далолат беради. «Режаси борнинг иқболи бор» дейилади халқ хикматларида. Ҳар бир ўтган кунимизни сарҳисоб қилишимиз, ундан фахрланишимиз керак. Тадқиқот жараёнида ўқувчиларни режа тузишга ўргатилади. Бу оддий нарсасидек туюлса-да, бунинг заминида шахс тартибликка, интизомга, масъулиятга, одамлиликка, вақтдан унумли фойдаланишга ва умуман олганда гўзал хислатларга эга бўлишга ўрганади. Режани ҳар бир шахс ён дафтарида ёзиб боради. Ўқувчиларнинг кундалик фаолиятини режалаштириши ўзи учун бир ҳужжат бўлиб қолади ва буни бажармаслик ўз шахсига нисбатан лоқайдликни билдиради. Зеро, ҳар бир шахс ўзини ҳурмат қилади. Умрнинг қадрига етиб яшай билиш ҳам энг улуғ фазилатлардан биридир. Ҳамма мусибатларнинг ўрнини қоплаш, тўлдириш мумкин. Лекин вақтнинг бирор дақиқасини қайтиб бўлмайди. Шунинг учун умрнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш керак. Эртанги кунимизнинг гўзал бўлиши учун ҳаракат қиламиз ва бунинг учун эса бироз риёзат чекмоғимиз керак. Ҳар окшом ўтган кунимизга якун ясашга одатланишимиз, эртага нима ишлар қилишимизни ўйлашимиз даркор ва бу ишларни ён дафтаримизга ёзиб боришимиз керак. Ҳар кунлик фаолиятни изга солган ва тузган режаларини амалга оширган шахс ўз ҳаётидан мамнун бўлади. Ҳар кунлик умридан фахрланиш инсон саломатлиги учун ҳам бениҳоят катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти маънавий жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш масаласи давлат сиёсатига кўтарилган бир пайтда, албатта, ёшлардан маънавий ва маърифий, сиёсий етуклик, ташаббускорлик ва фидойилик талаб қилинади.

Маънавият - инсон эҳтиёжларининг мотивлар тизимида ўзига хос тарзда акс этишини: а) борлиқни билишнинг идеал эҳтиёжи, яъни эҳтиёжнинг

бирламчи тасаввури; б) яшашнинг ижтимоий эҳтиёжи, яъни бошқа одамлар манфаати учун ҳаракат қилишни ифодалайди.

Маънавият самимият билан уйғунликка эга, яъни инсоннинг уни қуршаб олган одамларга нисбатан илиқ муносабати, эътиборлилиги, ёрдам беришга тайёрлиги, қувонч ва қайғусига ҳамдардлиги шаклида намоён бўлади. Маънавият шахсда инсонни билиш, ўз-ўзини англаш, ҳаёт мазмуни, умр моҳиятини тушуниш ва турмушда ўз ўрнини топиш тариқасида намоён бўлади. Шахс ҳаёт муаммолари юзасидан қай йўсинда мулоҳаза юритган бўлса, уларнинг ечимини топишга узлуксиз равишда интилса, айнан шу мезонлар билан инсон маънавияти ўлчанади. Айтиш мумкинки, инсон маънавий фаолиятининг фойдалилик даражаси атроф-муҳит, воқеликни, ундаги воқеа-ҳодисалар, уларнинг моҳиятини билиш, шахснинг самимийлик, мамнуният, ҳузур-ҳаловат туйғуси ва бурчни бажаришдан қониқиш ҳисси билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ёшларда маънавий эҳтиёжларни шакллантириш натижасида жамиятимиз, ватанимиз учун содиқ, ватанпарвар, фидоий, баркамол ворислари вояга етади. Маънавиятнинг жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси тушуниб етиши, уни ҳаётий эҳтиёжига айлантириши учун турли таълим-тарбиявий воситалар орқали унинг барча қирраларини ёритиб бориш мақсадига мувофиқдир.

Ўқувчи-ёшлар, умуман олганда ўсиб келаётган ёш авлод ватанимизнинг куч қудрати ва бойлигидир. Шунинг учун ҳам уларни олийжаноб, одобли, эсли-хушли, мустақил фикрли соғлом эҳтиёж ва эътиқодли қилиб тарбиялаш эзгу амаллардандир. Бу ўринда, албатта савол туғилади. Тарбия нима? Тарбия – ёш авлодни жамият ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг ижтимоий тарихий тажрибани эгаллаши учун ижтимоий, мақсадга йўналтирилган шарт-шароит (моддий, маънавий, ташкилий)ларни яратишдир. Демак, тарбия – бу шахсни мақсадга йўналтирилган ҳолда :

- 1) ўраб турган дунё, предметлар, ҳодисаларга маълум муносабатларни;
- 2) дунёқарашни;

3) хулқ–атвори (муносабатлар ва дунёқарашнинг намоён бўлиши сифатида) шакллантиришдир.

Ҳозирги даврда тарбиянинг асосий мақсади эркинлик, демократия, инсонпарварлик, адолат идеалини юқори ўринга қўядиган, борлиққа нисбатан илмий қарашларга эга шахсни шакллантиришдир. Ёшлар тарбиясида биз (ўқитувчи)ларнинг ўрни нималарда акс этади? Албатта, ўқувчи психологияси билан боғлиқ ички кечинмаларини ҳис этиш, миллий руҳ билан суғорилган ўқув-тарбия дастурларини яратиш ҳамда мақсадга йўналтирилган катор маънавий ташкилий тадбирларни ташкил этишда...

Жамият равнақи ва келажаги унда яшовчи инсонларнинг маънавий ва моддий камолотига боғлиқ. Шундай экан, бутун куч-ғайратимизни эзгу амалларга бағишламоқ, келажагимиз, орзу-умидларимиз, ишончимиз бутун борлиғимиз ана шу биз фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳимиз билан боғлиқлигини, ёшларни етук шахс сифатида шаклланишига ҳар биримиз масъул эканимизни гуруҳ ҳис этишимиз пурмаъно аҳамият касб этади. Ўқувчи ёшларни вақт, ҳаёт, умр моҳияти, ўқувчилик йилининг кадр-қиммати ва салмоғини тушуниб етишларига эришиш, вақтни мақсадга йўналтирилган ҳолда режалаштиришга ўргатиш, билимларни пухта эгаллаш, турмуш сабоқларини ўрганиш, ота-боболаримиздан қолган табарруқ кадриятларни билиш, унга амал қилиш, ватани, яқинлари, халқини севишни, унинг манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилишни асосий вазифа деб билмоқ зарурлигини улар онгига сингдириш лозим. Чунки, инсон ўзи учун бахтни ўзи яратади. Ҳаётда ақлли, билимли, маънавияти юксак ўқувчи ҳамма вақт муваффақият қозонади.

Тадқиқотлардан маълум, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунчалик юқори, ўзи-ўзини бошқариш эса пухта эгалланган бўлади. Ўзаро таъсир ўтказиш доираси қанчалик кенг бўлса, у ҳолда муаммоларни ҳал этиш жараёни шунчалик тез амалга оширилади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчилик даври шахснинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини англашнинг шаклланиш жараёни билан

ривожланишнинг бошқа босқичидаги инсонларнинг хусусиятларидан кескин фарқ қилади. Мазкур ёш даврида йигитлар ва қизлар ўзига хос рухий инқироз ва ҳиссий танглик ҳолатларини ўз бошларидан кечирадилар; ижтимоий турмуш ва борлиқ, уларни қуршаб турган микромуҳитдаги янги ҳолатлар, ҳодисалар, анъаналар, расм-русумлар, яшаш тарзи қабиладарда ифодаланувчи қадриятларга мослаша бошлайдилар. Вояга етган инсонларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахсни тараққий этиш хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган ички зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Бунда, бир томондан, ўқувчилар мустақил меҳнат фаолиятида иштирок қилиш ҳуқуқини қўлга киритиб, катта ёшдаги инсонларга ўхшаб маълум мавқега эга бўладилар, иккинчи томондан, уларда турмуш тажрибасининг етишмаслиги туфайли бир қатор умуминсоний фазилятлар ва ҳаётий малакаларни эгаллаш муаммоси кўндаланг бўлиб туради, шунингдек, ўқувчилик даврида етукликка, камолотнинг биринчи босқичига эришиш имконияти кўзга ташланади. Ўқувчиларнинг олдида мутахассисликни эгаллаш билан узвий боғлиқ бўлган бар қанча вазифалар туради. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фан, техника тараққиёти, бир томондан, беҳисоб ахборотлар, хабарлар, маълумотларни вужудга келтирган бўлса, иккинчи томондан, бу муаммога бошқача ёндашилса, ўқувчиларда мутахассисликка оид билимларга нисбатан барқарор қизиқиши ва ўқув мотивининг камайишини вужудга келтиради. Чунки аксарият замонавий техника воситалари камроқ жисмоний қувват сарфлашни тақозо қилганлиги сабабли ихтисос эгаларининг рухий дунёсида қатъийлик, ижодий изланиш, иродавий зўр эҳтирос, руҳланиш ўрнини лоқайдлик, сусткашлик, фаолиятсизлик эгаллай бошлайди. Ўқувчиларнинг моддий жиҳатдан ота-оналарга, олий ўқув юрти маъмуриятига боғлиқлиги ижтимоий қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Уларнинг турли кўринишдаги, ўзига хос моҳиятга эга бўлган истаги билан мавжуд имконияти (ақлий, иқтисодий) ўртасида номутаносиблик юзага келади, бунда устунликка эга бўлган моддий интилиш мотиви қўшимча даромад олиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилганлигига қарамай, у ўқиш фаолиятига

зарар келтириш орқали амалга оширилади. Бундай номутаносибликни бартараф этиш учун ўқитувчи ўқувчилар шахсияти ва ҳамиятини ҳурмат қилган ҳолда муомалага киришмоғи даркор. Токи, шахслараро ҳурмат, ўзаро ёрдам ва бир–бирини тушуниш психологик муҳит илиқланишига хизмат қилади.

Ўқувчилик, умуман ёшлик умрнинг энг гўзал давридир. Бу гўзалликни доғ тушишдан асраш керак. Ўқувчи ўқув даргоҳига ягона мақсад билан келади, яъни ўқиш, юқори малакали касб эгаси бўлиш. Шунинг учун ҳам ёшлик бебошликларга, чигал тақдирларга бошлашдан инсон ўзини асраши керак. Ўқувчиларга мактаб директори, ўқитувчи-мураббийлар ҳар дақиқа вақтнинг қимматли эканлигини, интилишлар ана шу сонияга мазмун бағишлаши кераклигини, улар ҳозир ўрганувчи, кейин эса ўргатувчи бўлишлигини, ижодий ишларни ҳозирдан бошлашга ҳаракат қилиш кераклигини, ёзма ишларга юзаки ёндашмасликни одатлантириш керак. Ўқувчиларда ор–номусни сақлаш туйғусини шакллантириш, шарм –ҳаё, ўз мавқеини сақлашга, оила ва аجدодлар шаънига доғ туширмасликни сингдириш ҳар бир профессор-ўқитувчининг муқаддас бурчидир.

Ҳар бир инсон шахси амалга ошириши керак бўлган ишларнинг энг муқаддаси – маънавий покликдир.

Биз ўқитувчилар, ҳеч бўлмаганда ўқувчилик даврining дастлабки йилларидаги устози, илҳомлантирувчиси, маънавий ҳаётини қўриқловчиси, яратувчиси бўлмоғимиз даркор. Шахснинг таркиб топиши ва ривожланишидек мураккаб жараёнда маънавий ҳаёт асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2. Асосий қисм. Ёшларда миллий истиклол ғояси ва соғлом дунёқарашни шакллантиришда ўзбек миллий-диний қадриятлари, урф-одатлар, таълим-тарбиянинг ўрни

2.1. Ёшларда миллий ғурур ва миллий ўзлигини англашни шакллантириш. Миллий ўзликни англашнинг миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришдаги аҳамияти.

Миллий истиқлол мафкурасини ёшларимиз онгига сингдириш халқимизга хос бўлган Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиш, кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий-сиёсий воқеаларни теран англашдан иборатдир, яъни ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлолга содиқлик, Мустақилликни асраб авайлаш каби хусусиятларни шакллантиришни талаб этади. Бунинг учун ёшларнинг ахлоқ ва одоб меъёрларини эгаллаши, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиши самимийлик, иноқлик, кадр-қиммат, виждонийлик, ифбатлилик, ўзаро ёрдам сингари инсоний хислатларни эгаллаши талаб этилади. Шунинг учун мамлакатимизда ёш авлодни вояга етказишда миллий хусусият, миллий ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий турмуш тарзига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тамойилларидан биридир. У таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарих ва маданиятини ҳурматлашга йўналтирган янги тарбия тизимини тақозо қилади. Ушбу давлат буюртмасни мукаммал бажармоқ учун узлуксиз таълим тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари нуқтаи назаридан ислоҳ қилинмоқда. Чунки бу Ўзбекистон учун муҳим стратегик, сиёсий заруратдир.

Миллий-тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний эҳтиёж ҳамдир. Собиқ шўролар даврида ижтимоий онгда “замонавийлик- миллийлик” тушунчалари орасида “ўивилизаўия -экзотика” шаклидаги сунъий антитеза ҳосил қилинди. Натижада миллийликни аجدодлардан авлодларга бойитиб етказувчи жараён- миллий тарбиянинг тобора заифлашуви юзага келади. Мафкуравий мақсадлар остида ранг-баранг миллий қадриятларни ўзаро алоқада юксалтириш эмас, балки бир хиллаштириш ҳаракати рағбантирилди.

Тарбияни социалистик байналминаллаштириш сиёсати ва амалиётининг асоратларидан кутулиш истаги, бугун халқларнинг ўз миллий ғурурини тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш каби эҳтиёжларида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан мустақилликни қўлга киритган миллатларнинг қадимги миллий-маънавий қадриятларини тиклашга бўлагн эҳтиёжи табиий, қонунийдир. Бу эса миллий тарбия масаласини илмий талқин қилишни маърифий мақомига кўтаради.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарбиявий тизими – унинг мустақиллик, миллий тараққиёт йўлининг педагогик инъикосидир. Ўтган асрнинг охири ХХІ аср бошларида МДХ мамлакатлари ҳам, жаҳоннинг собиқ мустамлака мамлакатлари ҳам ўз тақдирларида маънавий-маърифий тараққиётнинг уч йўлига дуч келдилар. Дунёвий тажриба бу йўллари куйидагича таърифлайди:

миллий фундаментализм – ўтмишдагидек яшаш;

миллий модернизм - миллий замонавийлашув;

миллий реформизм – бошқача (масалан, оврупоча, америкача....) шакл ва мазмун касб этиш.

Мустақиллик қўлга киритилгач, “Ўзбек халқининг бундан буён миллат сифатидаги ҳаётини мувафаққиятли давом эттириши, ўзлигини сақфлба қолиб, жаҳон ўивилизаўиясида намойиш қилиши учун қайси йўлни танлаган маъқул?”, “Ўзбекистон мактабларидаги собиқ коммунистик тарбия тизими ўрнини қандай тарбия тизими эгаллаши керак?” сингари педагогик саволлар юзага чиқди. “Жамият маънавий инқирозга юз тутган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда” (И.Каримов) бу йўл – миллий-маданий тараққиётнинг модернистик тарзи – миллий замонавийлашувдир.

Миллий давлатчилик, мустақилликни мустаҳкамлашнинг педагогик кафолатини ҳам айнан шу йўл – миллий тарбия, жадид боболаримизидрок этганидек, таълим ва тарбияни бошқа ўивилизаўияларга (улар ўз шароити учун ҳар қанча илғор саналмасин!) мослаштириш эмас, балки дунёдаги илғор ўивилизаўияин ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттириш, таълим ва

тарбияни янги шароитда, мустақилликни мустаҳкамлаш талаблари билан бойитиб, амалга татбиқ этишдир.

Миллий – замонийлашув йўлидан бориш БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси – Ўзбекистоннинг “Инсон ҳуқуқлари Декларацияси”да “Ҳар бир кишининг она тилидан фойдаланиш, она тилида таълим олиш, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқи таъминланади”,- деб таъкидланган 4-моддасини амалда татбиқ этишга киришганлигидан ҳам далолат беради. ЮНЕСКО амалий тамойилларида “ўз маданиятига эга бўлмаган халқ йўқ; ҳар бир маданият ҳурмат қилишини ва сақлаб қолиниши керак бўлган кадр-кийматга эга; ўз маданиятини ривожлантириш ҳар бир халқнинг ҳуқуқи ва бурчидир” дейилади.¹ Демак, қўлга киритилган мустақиллик барча миллатлар каби ўзбек халқига ҳам миллий ўзлик, ахлоқ, маънавиятни тиклаш ҳуқуқини, имкониятини берди. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, бизнингча, шу тарихий имкониятдан ёш авлодни тарбиялашда қанчалик самарали фойдалана олишимизга боғлиқ.

Давлат бош ислохотчи бўлган мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг миллий асосга қурилишининг энг олий ваколати унинг Конституциясида ҳимояга олинган. Конституциянинг моҳияти очиқлик, ҳамкорлик, миллий маданиятлар равнақи, миллатлараро иноқлик, динлараро бағрикенглик руҳига эга. Ўзбекистонда миллий маданиятларни тиклаш, равнақ топтириш йўлида миллий-маданий марказлар ташкил этилганлиги, бу марказлар фаолияти матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилганлиги ва бошқа кўплаб мисоллар мустақил Ўзбекистон миллий муносабатларини такомиллаштиришнинг янги – миллийликни тиклаш, бойитиш орқали умумиллий ва умуминсоний тотувликка эришиш йўлини танлаганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1991 йил 24 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда барча миллатдошларимизни ўзбек халқига хос олийжаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъаналарига муносиб бўлишга чақирганди. Дарҳақиқат,

¹ Л.Лебедев. Правда и ложь о культурном обмене. – Л.: Лениздат, 1985, с. 102.

миллий – маданий бирлик, ўзликни сақлаб қолишга даъват Ўзбекистондан чиқиши табиий, адолатлидир ва зинҳор миллатчилик эмас. Чунки “ўзбек миллий маданияти, тили анъаналарини ҳаққоний равишда тиклаш ва ривожлантириш аҳолининг бошқа миллий гуруҳларидаги мана шундай жараёнлар ҳисобига бўлмаслиги”² давлат томонидан кафолатланади.

Ўз тақдирига бефарқ бўлмаган қайси жамиятда мактабга, тарбияга эътибор кескин кучайиб, тарбия – жамиятни такомиллаштиришнинг бош воситаси, дея тан олинади. Тарих бу каби мисолларга бой. Ана шу нуқтаи назардан мустақил Ўзбекистон мактаблари қаршисида турган вазифа долзарб ва мураккабдир. Чунки замонавий мактаб ўзбек халқининг энг гўзал фазилатларидан бўлган миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, ватанпарварлик, миллий одоб, соф виждон, миллий ғояни ўз йўл кўрсаткичи қилиб олиб, ягона Ватан – ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги шарафига хизмат қила олувчи ўғил-қизларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириши лозим. Бу миллий-истиклолий буюртма комплекс тарзда – оила, болалар боғчалари, мактаб, маҳалла, турар жойларда, мактабдан ташқари муассасалар ҳамкорлигида олиб борилувчи миллий тарбия жараёнидагина амалга оширилиши мумкин.

“Миллий тарбия” тушунчаси кўп қиррали тушунчадир.

Унинг:

-миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;

-умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;

-халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш (ЮНЕСКО тамойили) воситаси;

-Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми;

-турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;

² И.Каримов. “Менинг маслагим: инсон бахт-саодати, республика манфаатлари”. “Ўзбекистон овози”, 1991 йил 27 декабрь.

-ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанправарлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили;

-миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварона йўли ва воситаси;

-ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шарти;

-инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли;

-ижтимоий-маънавий жабҳада миллий хавфсизликка таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси;

-ўқувчиларда миллий (авто ва гетеро) стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради.

Мустақил Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг миллий тарбия тизими – бу ўзбек халқининг ўзига хос миллий маданий феъл-атвори, ахлоқ қоидаларига ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг тарбиявий талабларига асосланувчи, халқ ҳаётининг барча жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ, янги ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни шакллантиришнинг педагогик жараёнидир. Миллий тарбия Ўзбекистонда илмий-педагогик атама сифатида миллий мустақиллик берган имконият орқали янгидан кўтарилиб кўлланилаётган бўлса-да, у азал-азалдан гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда бўлсин, халқимиз турмушида бардавом эди. Чунки ўзбек халқининг тарихи-ўзбекчиликка асосланган миллий тарбиянинг тарихи ҳамдир.

Ўзбекистонда давом этаётган миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни таълим ва тарбия тарғиботини ҳам ислоҳ қилишни, маънавий ва маърифий илдизларга пайванд қилишни, ёш авлодларга Ўзбекистон ватанправарларига хос фазилатларнинг тарихий ўзакларини аниқлашни, ўзбек халқи тарихи, тили, мпаъанивяти, адабиёти, санъати, анъаналари ва урф-одатларини миллий-тарбиявий тадқиқ қилишни талаб этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқотимиз мавзуси миллий педагогик тарих қирраларини ҳам ўрганишни талаб қилади. Чунки тарих ўзбек халқи олдида қфачон, қандай тарбиявий талаблар қўйганлигини; давр ўзгариши билан миллий тарбияда –

феъл-атворимизда қай сифатлар қайси томонларга ўзгарганлиги, қайси сифатлар ўзгармай, авлоддан-авлодга мерос бўлиб етиб келганлигини аниқлаш республикамизда миллий маънавиятни ўрганиш, тиклаш ва истиқболини белгилаш нуқтаи назаридан ғоят қимматлидир.

Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, удумларини мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёти, маънавий ривожланиши, ҳамдўстлик мамлакатлари ва жаҳон миқёсидаги ўрнини, халқимизнинг мустақил яшаш тарзини ёшлар онгига сингдиришда қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:

-ёшларга она Ватанимизнинг буюк тарихий ўтмишини ўргатиш;

- Шарқ маърифатпарварларининг жаҳон маънавиятига қўшган ҳиссасини кенг тушунтириш;

-халқимизнинг жаҳоншумул маданияти, санъат, меъморчилик ёдгорликларини ўргатиш;

-ўзбек халқининг она тилига, миллий урф-одатларига, анъаналарига, расм-русумларига содиқлигини тарғиб қилиш;

-кўп миллатли халқимизнинг истиқлолга, буюк келажакка ишонч туйғусини янада шакллантириш ва ҳ.к.

Демак, миллий ғурур ва ўзликни англаш халқнинг ижтимоий тараққиётини, миллатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган мавқеини аниқ тасаввур қилиш, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги босқичма-босқич амалга ошираётган иқтисодий ислохатларнинг мазмун - моҳиятини чуқур тушуниб етиш, унга ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир. Ушбу талабларни ёшлар онгига сингдириш ҳар бир мураббийнинг бурчи ҳисобланади.

Диний экстремизм бузғунчи ғояларга таянади, улардан озиқланади, шунинг учун унга қарши самарали кураш олиб боришда уни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиш, олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Диний экстремизм ижтимоий ва сиёсий вайронкор ғояларни ўзига асос қилиб олади. Хўш, Ўзбекистонда диний ақидапарастлик оқимларига ёшларнинг кириб қолишига нима сабаб бўляпти?

Биринчидан, инсон феъл-атворидаги шахсиятпарастлик, ижтимоий бегоналашув ҳолати.

Иккинчидан, ҳаётдаги зиддиятлар, жамиятдаги воқеаларни нотўғри талқин этиш, нотўғри англаш ва баҳолаш оқибати.

Учинчидан, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, ахлоқ меъёрларига риоя қилинмаслиги, коррупция, маҳаллийчилик, таниш-билишчиликнинг мавжудлиги.

Демак, ижтимоий носоғлом муҳит ва муносабатларга барҳам беришда, ёшларга ўзбекона миллий ва диний қадриятлар, урф-одатлар руҳида тарбия бериш; диний экстремизмнинг ижтимоий барқарорликни издан чиқариши, инсонлар ҳамжиҳатлигига раҳна солиши, ақидавий қарама-қаршиликларни юзага келтириши, тараққиётга тўсқинлик қилиши қабиладарни эътиборга олиш, бу қабиладарга қарши курашиш нафақат хавфсизликни таъминлаётган ташкилотлар, балки ўзини ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшлар ва мураббийларнинг ҳам вазифаси эканлигини тушунтириш.

Тарихимизга назар солсак, Ўзбекистон тупроғида ётган не-не мутафаккирларнинг дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратганини, ислом ўивилизаўияси ва маданиятига қўшган ҳиссасини, юртимизда буюк уламолар яшаб ўтгани, уларнинг қолдирган илмий – маънавий меросини, халқ ҳаётидаги исломий қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятларни кўрамиз.

Ёшларга таълим – тарбия беришда уларнинг миллий онгини ўстириш, соғлом дунёқараш ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш жараёнида экстремизмга мансуб турли оқимларининг мақсадларини аниқ ва очиқ тушунтириб бериш муҳимдир.

Ўзбекистон кенг маданий ҳудуд маъносидаги мусулмон оламининг ажралмас қисми, халқимиз менталитетининг ўқ илдизлари, кўп жиҳатдан ислом динидан озикланиб келган. Миллий қадриятларимизнинг барчаси инсоннинг иймон-эътиқодда, маънавий-маърифий ва ахлоқий руҳий тарбияда

баркамол шахс бўлиб етишишига хизмат қилган. Барча қадриятлар негизига тарбия жойлаштирилган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ педагогикасига айнан шу қадриятлар мазмуни сингдирилган.

Ислом қадриятларининг мазмунига эътибор қаратсак, унинг асл моҳиятини иймон, эътиқод, ихлос, ибодат, ахлоқ-одоб, дўст-биродарлик, аҳиллик, ота-она, қариндош-уруғчилик, ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, меҳр-оқибат, инсоф каби тушунчалар ташкил этади.

Ўзбек халқининг диний ва дунёвий қадриятлари шу даражада уйғунлашиб кетганки, қадриятларнинг асоси исломий қадриятларга ҳамоҳангдир. Масалан, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, тозалик, инсоф, элни эъзозлаш, меҳнатсеварлик, ота-она, оила, қўни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик, ҳайр-эҳсон, меҳмондўстлик, садокат, вафо, тақдир, умид, сабр-қаноат, тежамкорлик, тинчлик-хотиржамлик, ўзбек халқининг миллий хусусиятларидир.

Ўзбек халқининг қадриятларида асрлар оша қонимизга сингиб кетган ота-онани улуғлаш, улардан хабар олиш, оилани муқаддас сақлаш, фарзандларни тарбиялаш каби тарбия мезонлари ифода этилади.

Инсоният эришган энг катта ютуқлардан бири бу оила ва оилавий қадриятлардир. Инсонни мустақил ҳаётга тайёрлаш, унга зарур бўлган билим ва қўникмаларни қалбига сингдиришда ҳеч қайси ижтимоий тузилма оиланинг ўрнини босолмайди. Оила - инсон тарбияси билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни етарли даражада мужассам этган ноёб тузилмадир. Миллий маънавиятимизга хос бўлган илк тушунчалар оилада сингдирилади.

Муаммоли вазиятларда инсон маслаҳатни, аввало, оиладан, ота-онаси, буви ва бобоси, уруғларидан олади. Бу энг ишончли, энг беғараз манбадир. Оила маслаҳати нотўғри бўлмайди. Қандайдир ақидапарастлик ғоялари деб, ота-онаси, оила, фарзандларидан кечиш нонқўрлик ва номардликдир. Ғўрлик қилиб ножўя йўлга кириб қолган фарзанд, ҳеч бўлмаганда, унга ҳаёт ато этган онаси ҳақида ўйлайди. Чунки ислом дини аёл зотини, айниқса, онани доимо улуғлаб, авайлаб – асрашни талаб қилади.

“Жаннат оналар оёғи остида” деган ҳадиснинг ўзи ҳам мусулмон оламида аёлнинг нечоғлик эъзозланганлигига ёрқин далилдир. Аёлнинг бу қадар қадрланиши, аввало, унинг ҳалоллиги, ахлоқ-одоби, дину диёнати ва эътиқодига боғлиқ.

Дунё халқларининг миллий ғоясида Ватан озодлиги ва тараққиёти биринчи даражали ўринда туради. Инсон ҳаёти давомида она юрти тараққиёти йўлида тинмай меҳнат қилади. Инсон қандай ижобий иш, эзгу амалларни бажармасин, уларнинг барчаси қадрдон юртининг ривожига билан боғлиқ. Киши оила, маҳалла, эл-юрт орқали Ватанга боғлиқлигини сезиб яшайди. Халқимиз инсонга баҳо берар экан, аввало, унинг юрти олдидаги хизматларини тилга олади.

Ватан ва миллатнинг салоҳияти, ўтмиши билан қудратлидир. Ватанга муносабат инсоннинг кимлигини белгилайдиган мезондир. Оталар юртига кўнгил қўймаган, унга меҳр бермаган одамдан кўра бахтсизроқ киши топилмайди. Ҳалоллик, имон-эътиқод, одамийлик, яратувчиликнинг асоси - Ватанга бўлган муҳаббат туфайлидир. Ватанга муҳаббат миллий ғурур, яъни инсоннинг ўз замини, авлод-аждодларидан қолган моддий ва маънавий мерос, ўз миллатининг жаҳон ўивилизаўиясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳисси билан боғлиқдир.

Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакиллариининг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Уни маънавий руҳий жиҳатдан енгиб бўлмайди. Миллий ғурур фақат фахрланиш руҳиятигина эмас, балки миллат тақдирига, келажагига масъуллиқнинг салоҳияти ҳамдир.

Ёшларда соғлом дунёқараш ва ижтимоий фаолликни шакллантириш маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳалла фаоллари, бир сўз билан айтганда, ўз Ватанига меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири маънавий баркамол, ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялашдир.

Инсоннинг маънавий камолоти кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига қўплаб соҳаларни қамраб олади. Бу соҳаларнинг мазмунида дунёқараш ётади. Мукаммал дунёқараш эса соғлом ғоя ва кучли эътиқод асосида шаклланади.

Ҳозирги кунда соғлом онг ва чуқур дунёқарашга эга бўлган ҳар бир киши ўзи яшаётган жамият ёки давлатнинг тарихий мақсадини ифода этадиган бош ғояларни аниқ билиши ва уни ҳаётга татбиқ қилишни тасаввур этиши керак. Шунда бу мақсадлар ифодаси бўлган ғоялар унинг онги ва қалбидан жой олади, аста-секин ишонч, эътиқодга айланади. Ишонч- эътиқодсиз инсон ўз йўлини, мақсад ва манфаатларини чуқур англаб етмайди. Миллий ғоя одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги учун асос бўлади, кучли маънавий, рухий омилга айланиб, тараққиётга хизмат қилади.

Илк ўрта аср буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Фаробий ўзининг «Бахт-саодат эришув ҳақида рисола асарида» маънавий озодлик, инсон такомили, адолатли жамият куришнинг бирдан-бир шарти, одамларни эзгуликка чорлаш, ғоявий етукликка етказиш деб билган, бу ҳақда шундай деб ёзган: «Инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ёмон ва ноўриндир...»

Ғоя, мафкура жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани, - деб ёзган эди Президент И.А.Каримов, - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.»

Мафкуранинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттира оладиган бош ва асосий ғоялар уларнинг турмуш тарзи, дунёкараши, табиатига қанчалик мос бўлиши билан белгиланади. Фақат шундай ҳолдагина у кучли руҳий кудратга эга бўлади. Шу сабабли ҳам мафкура барча даврларда жамиятни юксак ва бунёдкор мақсадлар йўлида бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муносабатларни шакллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-руҳий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафкура барча инсонлар, халқлар, жамият ва давлат олдида турган муҳим вафаларини амалга оширишда ёрдам берадиган, турли соҳада фаолият юритадиган жамият аҳлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

Ҳозирги кунда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар,ножўя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқнинг юзага келиши учун йўл қўйилган камчилик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Ғоявий бўшлиқни юзага келиши, энг аввало, чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турли таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи – жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолича ташлаб қўйилганлиги ҳам бўлиши мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ равшан ифода эта олмаса, ўз ғояларини мафкура ёрдамида кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Бундай шароитда ишонч, эътиқод сусайиб, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ўз мустаҳкам ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди, бундай ҳол жамиятга жуда катта зарар етказади.

Ғоявий бўшлиқ мамлакат хавфсизлигига ва фуқаролар осойишталигига жиддий хавф солади. Чунки ғоявий бўшлиқ, ғоявий заифликка, ғоявий парокандаликка олиб келади. Ғоявий бирдамлигига, давлатнинг қудратига путур етказди, натижада давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушкунликка йўлиқадилар. Масалан, Чингизхон юртимизга бостириб келганда Муҳаммад

Хоразм Шоҳ бошчилигидаги давлат қудрати ва лашкарларнинг сони жиҳатидан Чингизхондан бир неча баробар устун эди. Лекин ғоявий парокандалик туфайли мамлакат аҳолиси асоратга тушиб қолди. Худди шунингдек, Чор Россияси истилоси даврида ҳам кам сонли рус аскарларига қарши Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг бир-бирлари билан келишмовчиликлари умумий душманга қарши кучларни бирлаштириш ғояси ўрнига, аксинча, ўзларича бўлинган холда қарши туришлари, тарқоқликлари, охир оқибатда, халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни ягона куч сифатида умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштириладиган жамият мафкурасигина ғоявий парокандаликка барҳам беради. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ ва мафкуравий парокандаликка йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу ғояларни одамлар онги ва қалбига синглиришга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кунда бизнинг турмуш тарзимизга, руҳиятимизга нисбатан қилинаётган маънавий-маърифий хуружларнинг турли усуллари тобора нозиклашиб борапти. Зарарли ғояларни кинофилмлар, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари шаклида, газета-журналлар, Интернет тармоғи ва бошқа йўналишларда узлуксиз равишда тикиштириб, бизнинг миллий қадриятларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни сусайтиришга, ёшларимизни сохта ғояларнинг таъсирига олишга мунтазам ҳаракат қилинмоқда. Ёт, зарарли ғояларнинг мамлакатимизга кириб келиши халқнинг миллий ғоясини (мақсад ва интилишларини), тараққиёт йўлини ўзига

хос ва ўзига мос бўлмаган йўналишга буриб юбориш, мамлакатларнинг ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Бегона ғояларнинг мамлакатга кириб келиши ва фуқаролар ўртасида тарқалиши катта хавф, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, Абу Наср Фаробий ўз вақтида бегона ғояларнинг зарари тўғрисида: «Ўзга, бегона ғоялар кириб келиб, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин», деб «Фозил шаҳар фуқароларининг фикрлари» асарида ёзган эди.

Собиқ иттифоқ даврида юртимизга бегона ғоялар кириб келди. Бегона ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий ҳаёт қарор топди. Турмуш тарзимиздан бегона урф-одат, анъаналар жой олди. Ўзимизга хос ва мос бўлмаган коммунизм ғояси билан яшай бошладик. Халқимизнинг азалий турмуш тарзи, урф-одатлари психологияси, қадриятлари, инсоний муносабатлари, тарбиясига ўта таъсир кўрсатди.

Бундай ғоялар инсон табиатига зид бўлиб, уни салбий томонга ўзгартиради, унда носоғлом турмуш тарзини шакллантиради, фикрлар хилма-хиллигини чеклайди, қарамлик, тобелик, мутелик муҳитини яратади. Миллий тафаккур тарзини ўз негизларидан бегоналаштиради, жамиятда халқлар ва миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликка раҳна солиб, ички ихтилофлар, парокандаликка олиб келади.

Оилада ёшларга соғлом тарбия бериш, фуқароларнинг имон-этиқодини мустаҳкамлаш, миллий ғурур ва ифтихор билан яшашга эришиш, ҳар томонлама комил шахслар қилиб тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш, фуқаролар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш орқали унинг олдини олиш мумкин.

Индивид сифатида дунёга келган инсон туғилиши билан ижтимоий муносабатларга кириша бориши, унинг ижтимойлашуви ўз-ўзини англашини, яъни онгли бўлишини белгилаб беради. Онг, аввало, ўз-ўзини англаш демакдир. 5-6 ойлик боладан қўлидаги ўйинчоғини беришни илтимос қилсангиз, у уни “йўк” дегандек қилиб бағрига босишини ўзиёқ унинг

Ўзлигини англашидан дарак беради. Тарбия эса унинг ижтимоийлашувига сабаб бўлади. Чунки у индивиднинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларини шаклланиш жараёнидир. Ҳар бир киши ўзининг ўзлигини қанчалик тўғри ва аниқ билса, тасаввур қила олса, уни ўзи яшаётган жамият, оиласига зид ҳаракат қилиш эҳтиёжи шунчалик кам бўлади.

Ўз-ўзини англаш боланинг ёши ўсган сари турли ёш даврларда турлича жараёнларга эга бўлади ва ҳар бир даврда ўзига хос хусусиятлар атроф-муҳитнинг таъсирида, таълим –тарбия таъсирида шаклланади. У, айниқса, ўсмирлик даврига келиб ҳар қачонгидан ҳам мукамалроқ ривожланади. Бу даврда ўсмирнинг ўз-ўзини англаши ва унинг фаолияти мазмуни уч асосий босқичда, яъни ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятида, ўзаро муносабатларга киришув натижасида шаклланади. Буни ўсмир ўзи сезмаслиги мумкин. “Мен” - образининг шаклланиши ва унинг ижобий ва салбий сифатларининг пайдо бўлиши шу шахс шаклланаётган ижтимоий муҳитга, атрофдагиларнинг унга бўлган муносабатларига боғлиқдир ва бу “Мен” образи онгга тааллуқли жараёндир. Бу эса шу шахснинг фаоллик кўрсатиш мазмунини ташкил қилади. Ўз-ўзини англаш ва фаоллик кўрсатиш жинс тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Қизлар ва ўсмир ўғил болалар, аёллар ва эркекларнинг ҳам ўз-ўзини англаши ўзига хос хусусиятга эга. Қизлар, аёллардаги “Мен” образини ижобий характерга эга бўлиши аёллик хислатларини ўзида мужассам эта олишига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғлик уйғун эканлигидадир.

Фаоллик кўрсатиш ўз-ўзини англашга боғлиқдир. Чунки ҳар бир шахс яъни фаолиятда бевосита иштирок этадиган шахс, аввало, ўзининг қимлигини, қандай фаолият кечираётганини, унга муносабатини тасаввур қилиб кўриши муҳимдир. Агар у ўз меҳнат фаолиятида ўзининг виждоний бурчини, Ватан олдидаги масъуллигини ҳис қилса, ундан жамият учун қандай фойда келтиришини кўзласа, унинг оқибатини олдиндан чамалаб

кўрса, у ўз ишида муваффақият қозонади. Унинг меҳнати жамиятга, Ватанга, ўзи ишлаётган корхона ёки муассасага катта фойда келтиради.

Фаоллик, албатта, мақсадга йўналган бўлиши лозим. Фаоллик кўрсатишда ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Индивид сифатида дунёга келган бола атрофдаги кишилар орасида муносабатга киришув натижасида ўзини англай бошлайди. У атрофдагиларнинг хатти-харакатини, нутқи ва нутқ маданиятини, ахлоқ-одоб меъёрларини, муомала маданиятини, иш тажрибасини ўрганади, ўзлаштиради ва унга онгли муносабатда бўлиш орқали ўзи ҳам фаоллик кўрсатади. У мустақил фикрлашни амалиётга тадбиқ этади, унинг билишлари эътиқодга айланади. Натижада янгилик яратиш, ихтиро қилиш имконияти пайдо бўлади ва у фаоллик кўрсатишга ундайди.

Фаоллик кўрсатишда ўзаро мулоқотда бўлиш ва мулоқот эҳтиёжини тўла қондириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Доимий равишда иш юритишдан иборат бўлган мулоқот давомида кишилар ўз фаолиятини янада мукамалроқ бажаришга, сифатлироқ қилишга, яхши натижа олиш имкониятига эга бўлади.

Иш юзасидан қилинган мулоқот киши фаолиятини яна ҳам фаоллаштиради. Агар унга жиддийроқ қаралса, ундан фаолият учун фойдаланилса, у, албатта, муваффақият гаровига айланади. Лекин уни сира суистеъмол қилмаслик керак.

Фаолликнинг яна бир манбаи бу шахснинг қизиқиши, фаолият мазмуни ва унинг мотивларидир. Фаоллик кўрсатиш эҳтиёж билан эмас, балки унинг мотиви билан белгиланади. Агар фаолият мазмуни аниқ, қизиқарли ва фаолият учун аҳамиятли бўлса, фаоллик яна ҳам ортиб боради.

Шунингдек, фаолиятнинг натижаси ҳам фаолликни яна ортиб боришига сабаб бўлади, бундай фаолият шахс кучига куч, ғайратига ғайрат кўшади, уни руҳлантиради ва келгуси фаолият учун куч бағишлайди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири комил инсон тарбиясидир. Жамиятнинг ривожланишида, шубҳасиз, комил инсонни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Комил инсон тарбиясида энг муҳим босқичлардан бири бошланғич таълимдир. Бошланғич таълимда ўқувчиларининг дунёқарашини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни муҳимдир. Бу жараёнда турли инновацион методлар орқали, таълимий ўйинлар, расм-тестлар, кўргазмали куруллар, замонавий техника воситалари, компютер ва ҳар хил ижодий тарқатма материаллардан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, бошланғич таълимда ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш, бунда, айниқса, ўқитувчининг педагогик маҳорати, билими, ўз касбига бўлган масъулияти муҳимдир. Ўқитувчи дарсларида ўқувчиларни қизиқтира оладиган, уларни завқлантирадиган, ранг-баранг иш турларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг дунёқарашларини ривожлантириши зарур. Бунинг учун ҳар бир дарсни янги замонавий технологиялар, турли кўргазма ва тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиши талаб этилади.

2.2. Ёшлар онгида миллий мафкурани шакллантиришда она тили таълими ва адабиётнинг роли

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг эркимиз ва ҳақ-ҳуқуқларимиз, тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Дунёдаги ҳар бир давлат катта-кичиклигидан қатъий назар ўзининг тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Маънавиятнинг мустақил давлатимиз тараққиётидаги аҳамияти, хусусан, бугунги кундаги бурилиш даврида, айниқса, беқиёсдир. Чунки мустақилликнинг маънавий пойдевори заиф бўлса, халқимиз ўзининг миллий тилини, расм-русумларини ҳурмат ва эҳтиром қила оладиган, умуминсоний қадриятларини эъзозлай оладиган камолот босқичига эриша олмайди.

Инсоният ҳаётида маънавиятга эҳтиёж сезмайдиган соҳанинг ўзи йўк ва бўлмаса ҳам керак. Халқимизнинг маънавиятини юксалтиришда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган барча фанларнинг ўрни жуда катта аҳамият касб этади.

Бошланғич синфларда 1-синфдан бошлаб она тили фани ўқитилади. Демак, умумий ўрта таълимнинг барча босқичларида она тили дарслари жараёнида ўқувчиларнинг маънавий баркамоллигини ўстириб бориш мумкин.

Маънавият серкирра кўринишга эга бўлиб, миллий ғурур унинг ажралмас бир бўлагидир. Одоб-ахлоқли, маданиятли комил инсон биринчи навбатда ўз Ватанини, миллий тили, урф-одати, тарихи, маросимларини севиши, авлод-аждодлари яратиб кетган илм, маданий меросларни чуқур ўрганиши, умуминсоний қадриятлардан хабардор бўлиши зарур. Бу эса фарзандларимизнинг ёшлигидан бошлаб миллий ғурурни тарбиялашни ифода этади.

Миллий ғурур – инсоннинг маълум миллатга мансублигидан, Ватанидан, она тилидан, миллий урф-одатларидан, маънавий-ахлоқий қадриятларидан, адабиёти, санъатидан фахрланиш туйғусидир.

Миллий ғурур – барча маънавий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган юксак инсоний фазилатдир.

Миллий ғурурни шакллантиришда она тили дарсларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам мустақилликдан кейин яратилган “Она тили” дарсликларида маърифий мавзулардаги матнлар маънавий масалаларга катта эътибор берилган. Жумладан, 6-синф “Она тили” дарслигида ўндан ортиқ ана шундай матнлар берилган бўлиб, шулардан учтаси она тилини ҳурмат қилиш ва эъзозлашга қаратилган.

Масалан, “Давлат тили” ва “Ўзбек тили илдизлари”, “Алишер Навоий ўзбек тили хусусида” каби матнларда она тилимизнинг келиб чиқиш тарихи, тараққиёти ва уни ҳурмат қилиш каби маънавий фазилатларни тарғиб қилувчи жумлаларга кенг ўрин берилган.

Юқоридаги матнларни ўқиб бўлгандан сўнг ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мувожаат қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида ўзбек тили – давлат тили эканлиги ҳақида ёзилган?
2. «Давлат тили» деганда нимани тушунасиз?
3. Мактабда “Тил байрами”ни қачондан бошлаб ўтказиб келинмоқда?
4. Давлат тилига ҳурмат деганда нималар назарда тутилади?
5. Ўзбек халқи ва тилига бевосита тегишли бўлган энг қадимги ёдгорликлар қайсилар?
6. Ўзбек тилининг ривожланишида А.Навоийнинг хизматларини қандай баҳолайсиз?

Мазкур саволларга ўқувчилардан қуйидагича жавоб олиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” дейилган.
2. “Давлат тили” деганда шу давлат ҳудудида асосий алоқа – аралашув воситаси бўлган тил тушунилади.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунига мувофиқ халқимиз 1989 йилдан эътиборан ҳар йили 21-октябрни “Тил байрами” куни сифатида нишонлаб келмоқда.
4. Давлат тилига ҳурмат ва эътиборнинг биринчи намунаси сифатида шу тилда тўғри, чиройли сўзлаш ва ёзишдир. Давлат тилининг имло ва талаффуз қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди ва улар барча учун мажбурийдир. Бу қоидаларни Қонун доирасида Республикамизда яшовчи барча халқлар ҳурмат қилишлари лозим.
5. Ўзбек тили узоқ тарихга эга. Ўзбек халқи ва тилига бевосита тегишли бўлган ва бизгача етиб келган қадимий ёдгорликлар жумласига Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, А.Юғнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” ва бошқа ўнлаб асарларни киритиш мумкин.

6. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида А.Навоийнинг хизматлари бекиёс ва буюкдир. Чунки А.Навоий ўз асарлари орқали она тилимизнинг қудратини шунчалик кўкларга кўтара олдики, унинг вафотидан 500 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, ажнабий мамлакатларда Навоий асарлари ва уларнинг тилини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. А.Навоийнинг эски ўзбек адабий тили ҳақидаги асари бу – “Муҳокаматул луғатайн”дир. Бу илмий асарда Навоий ўзбек тилини форс-тожик тили имкониятлари билан қиёслаб, тилимизнинг сўз бойлиги ва бошқа тиллардан қолишмаслигини исботлаб берган.

Юқоридаги матнлар асосида ўқувчилар она тилининг қудрати, сўз бойлиги ва имкониятларининг кенглигига ишонч ҳосил қиладилар. Бу билан уларнинг Ватанимиз ва она тилимиз ҳақидаги миллий ифтихор ва ғурурланиш ҳислари шаклланиб бораверади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида ўринли таъкидлаганидек: “Маънавият халққа, миллатга, ҳар бир инсонга ҳаводек, сувдек, куёшдек зарур ва бебаҳодир”.

Президентимиз И.А.Каримов халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида “Аҳолининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда”, деб таъкидлаган эди.

Ёшларимиз инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлардан, санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлиб, меҳнат қилиб камол топади. Ёшларимизни мустақил фикрлашга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишда адабиётнинг ўрни ўзгача.

Маълумки, “адабиёт” сўзи “адаб” сўзининг кўплик шакли бўлиб, “одоблар хазинаси”, “одоб ҳақидаги фикрлар йиғиндиси” маъноларини англатади. Бадиий адабиётнинг қайси бир асарига назар ташламайлик, албатта, ундан бирор тарбиявий мазмунни англаш мумкин. Адабиётнинг бу хусусиятидан ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда бениҳоя

фойдаланиш мумкин. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг бебаҳо намуналари, хусусан, ўзбек жаҳид адабиётига мансуб асарларнинг тарбиявий жиҳатлари беҳад қимматли эканлиги шак-шубҳасиздир.

Ўзбек жаҳид адабиёти вакиллари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Фитрат, Чўлпон, Ҳожи Муъин, Камий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Мунаввар қори ва бошқаларнинг асарлари ҳақли равишда “одоблар хазинаси” таърифига тўла-тўқис мос келади. Чунки улар мустамлакачилик асоратида эзилган, хор бўлган, жаҳолат ботқоғига ботган мазлум Туркистон халқларини асрий уйқудан уйғотиш, мудроқ босган кўзларини очиш, эрк ва озодлик, тараққиёт, маданиятнинг юқори босқичларига интилишни тарғиб қилиш мақсадида яратилган. Бу ҳолни жаҳид адибларининг барча шеърий, насрий ва драматик асарларида яққол кўриш мумкин.

Бу ўринда жаҳид адабиётининг йирик вакили - истеъдодли шоир Ўткир Носир, моҳир драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларига назар солишнинг ўзи кифоядир.

Маълумки, Ҳамза юксак даражали адиб бўлишдан ташқари атоқли педагог ҳам эди. У Тошкентда, Қўқонда, Марғилон, Фарғона шаҳарларида, Хўжайли ва Шохимардонда янги усулдаги мактабларни ташкил этиб, ёш авлоднинг, энг аввало, саводли, илм-маърифатли бўлиб етишишларига амалий ҳисса қўшган. Унинг мактабида ўқувчиларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга катта эътибор берилган. Бу улуғ мақсад замонасининг атоқли адиби, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири бўлган Ҳ.Ҳ.Ниёзий асарларида яққол намоён бўлган.

Ҳамзанинг 1914-1918 йиллардаги ижодида жаҳидчилик ғояларини тарғиб қилиш асосий ўрин тутди. Жумладан, унинг шу йиллари ёзган шеърларининг деярли барчаси илм-маърифатни улуғлаш, жаҳолатни қоралаш, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш масалаларига бағишланган. Шоирнинг ўша йиллардаги миллий матбуотимизда чоп этилган барча шеърлари, “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” туркумига кирувчи 8та

шеърый тўпламдаги манзумаларида бадий сўзнинг куч-қудрати эзгу мақсадга йўналтирилган . Шоир ёшларни, энг аввало, Ватанни севишга, халқпарвар, миллат ғамидан огоҳ бўлишга даъват этади. Бу билан шоир ёшларнинг ватанпарвар бўлиб тарбия топишларига эътибор қаратгани шубҳасиз. Унинг “Жонларнинг жонони Ватан” шеъри фикримизга яққол далил бўла олади. Қуйида шеърдан келтирилаётган ушбу мисралар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди:

Ватан, ватан дер эдилар, на дер эрдим билмай ани,
Энди билсам, Ватан эркан бу танларинг ширин жони.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Мураббий шоирнинг ёшларни покиза ахлоқ эгаси бўлишга даъват қилиб ёзган қатор шеърлари ўз вақтида халқ орасида машҳур эди. Унинг “Тўғри сўз бола”, “Қиморнинг боши”, “Ота насиҳатининг натижаси”, “Ақлли бола”, “Китоб”, “Ўқи”, “Маърифат” каби кўплаб шеърлари фикримизга далил бўлади. Бу шеърлар ҳаётий воқеалар ва образлар воситасида ёшларни юксак ахлоқ-одобли, ажойиб фазилатли инсонлар бўлиб етишишга чорлаши билан қадрлидир. Улардаги тарбиявий мазмунли лўнда фикрлар содда ва самимий мисраларда халқона оҳанглар орқали баён этилган.

Адибнинг “Қироат китоби” номли дарслигини ахлоқ-одоб қомуси деб аташ мумкин. Зеро, асардаги ҳар бир боб ёшларга ўғит, панд-насиҳат тарзида яратилган. Китобдаги бобларда илм-маърифат ноёб таърифлар билан тавсифланган, жаҳл (нодонлик) кескин қораланган. Адиб “ахлоқи ҳасана”(яхши хулқлар)ни инсоният оламининг гўзал гулзорига ўхшатади. У мазкур ўринда ҳаё, ҳилм (мулойимлик), саховат, қаноат, шукр, сабр, адолат каби хулқларни таърифу тавсиф этади. “Ахлоқи замима” (ёмон хулқлар)ни эса шўразорга ўхшатиб, унинг таркибидаги зулм, ҳасад, кибр, тамагирлик, ғазаб, нифоқ, ёлғончилик каби иллатларни қаттиқ танқид қилади. Ёшларни бундай ёмон хулқ эгаларидан узоқроқ юришга чақиради. Асардаги боблар мазмунига мос ҳолда келтирилган байтлар эса ҳикмат дурдоналари даражасига етиб

борган, десак янглишмаган бўламиз. Жумладан, мураббий адибнинг ёлғонни, ёлғончиликни қоралаб, тўғри сўзликни мадҳ этиб битган қуйидаги мисралари халқ мақоллари билан ажиб уйғунлик ҳосил қилган:

Тўғри сўзла, эй ўғул, тил бурмағил ёлғонга ҳеч,

Бир масал бор: “Тўғри сўзлар бошини кесмас қилич”.

Серқирра ижодкорнинг публицистик мақолалари ва пхесаларида ҳам ҳаётсеварлик, илм-маърифат улуғланади, илмсизлик, нодонлик қораланади. Бу ҳолни адибнинг ўша давр матбуотида эълон қилинган “Муаллим афандиларимиза улуғ рижомиз”, “Бидъатми, мажусиятми?”, “Мактаби дорил-айтом”, “Явмул-вафот” каби мақолаларида яққол кўриш мумкин.

Ҳамзанинг жаид драматургияси дурдоналаридан бўлган “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” пхесасида эса ёшларга оид муаммолар, ёшлар ва жоҳил оталар муносабатлари аъло даражадаги усталик билан кўрсатиб берилган. Драматик асарни ўқиган китобхонда яшаган даврига нисбатан шукроналик, қониқиш ҳисси уйғониб, ундаги ватанпарварлик ҳислари жўш урса, ажаб эмас.

Ушбу мақолалар ва пхесалар ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларимиз Тўмарис, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби қаҳрамонлардан мустақил фикрлашни, Ватанга садоқат, ўз халқини севиш ва фидоийликни, буюк соҳибқирон Амир Темурдан темурий ҳукмдорлари ва мутафаккирлардан адолат, ор-номус, ифтихор туйғуларини адабиёт орқали ўрганиб келмоқдалар.

Маълумки, қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бир бутун ахлоқий талаблар мажмуасини, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Ўзбек халқининг энг қадимги аجدодлари ўз асарларида ҳам мустақил фикрлаш, ватан ҳимоясида фаоллик кўрсатиш алоҳида ўрин тутишини ёзадилар. Зардушт Шарқнинг биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди ҳисобланади. Бизгача етиб келган “Авесто”нинг қисмларида ўз даври учун муҳим бўлган фикрлар баён қилинади. Инсон маънавий-маърифий, маънавий-ахлоқий сифатлари билан мавжуд жамиятга даҳлдордир.

Буюк олим Ибн Синонинг илмий мероси билан бирга таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалари ҳам ёшларни маънавийт руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Маънавийт ва маърифат йўлида фидойилик намуналарини кўрсатган буюк сиймолардан яна бири Юсуф Хос Ҳожибдир. Унинг “Қутадғу билиг” асари инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан камолот сари етаклайди.

Шарқнинг улуғ мутафаккир шоирлари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Жомий, Навоий, Нодира, Увайсий, Зебуннисо, Бобур, Муқимий, Фуркат, Завкий, Анбар Отин, Дилшод Барно кабилар ижодида тарбияга оид фикрлар кўп учрайди.

А.Фирдавсий сўз санъатининг ноёб намунаси бўлган “Шоҳнома” асарини яратди. Унинг бу асарида ҳаёт – энг яхши устоз” – деган ғоя илгари сурилади.

А.Навоий шундай ёзади:

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Ушбу сатрлар мазмуни орқали А.Навоий халқни ва ёшларнинг халқпарварлик моҳиятини тушуниб етишга ундаган.

Жадидчилик даври адабиёти вакиллари ижодида ёшларни мустақил фикрлашга, ижтимоий фаолиikka ундовчи асарлар яратганлари ибратлидир. А.Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, А.Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг ноёб асарлари ва уларнинг қаҳрамонлари ёшларни мустақил фикрлашга, юртига ва халқига садоқатли қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Айниқса, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг қаҳрамони Отабекнинг халқини, Ватанини озод кўришга интилиши, миллатимизни, ватанимизни ҳимоя қилишга қаратилган фикрлари муҳимдир. «Ўтган кунлар» асарида ёзувчи Отабекнинг “маънавий сиймосини идеаллаштиради, уни яхшилик, тозаллик симболи каби кўрсатади...”.

Асарда тарихда яшаб ўтган тарихий сиймолар билан Отабек, Кумуш, Қутидор каби тўқима қаҳрамонлар орасидаги тафовут сезилмайди. Романнинг етакчи қаҳрамонлари: Отабек, Юсуфбек хожи, Кумуш тақдирининг ўтган аср

ўрталарида ўлкада – Тошкент ва Қўқонда юз берган муҳим тарихий воқеалар Худоёрхон, Мусулмонкул, Азизбек, Нормуҳаммад кушбеги, Қаноатшоҳ каби тарихий сиймолар билан алоқадорликда кўрсатилиши, бир томондан, асарнинг маърифий қимматини оширса, иккинчи томондан, ундаги тарихийликни, реалистик хусусиятларини чуқурлаштирган. “Ўтган кунлар” да бошланган мазкур ноёб тажриба кейинчалик ёзувчининг “Меҳробдан чаён” романида, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” асарларида, яна ўнлаб йирик эпик асарларда давом эттирилди. “Меҳробдан чаён”даги Анвар ва Раъно фавқулодда романтик қаҳрамондек туюлади. Баркамоллик – ақл-заковат, дўстга, севгига, садоқат, эрк, адолат йўлидаги шижоат бобида улар афсона, дoston қаҳрамонларини эслатадилар, воқеаларга синчиклаб қаралса, Анвар ва Раънодаги фавқулодда кўринган ҳислатлар, кейинги ижодкорлар асарларида ҳам кўзга ташланади. Бу образлар ҳозирги ёш авлод учун ҳам ўрнатилган намунасидир. Айниқса, Раънонинг эркин фикрлаши, анъанавий илоҳий севги ва тақдирга қарши исён—янги давр ёшларига хос хусусиятлар ўзаро тутшиб кетган.

Сўнгги 30-йилларда ва ундан кейинги давр адабиёти вакиллари ижодида ҳам ёшларни мустақил фикрлашга ўргатувчи ғоялар кўп учрайди.

Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ” достони Ғ.Ғуломнинг “Ёдгор” повести, Уйғуннинг бир қатор драматик асарлари, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести, К.Яшиннинг “Гулсара” драмаларида ёшларни мустақил фикр юритишга ундовчи фикрлар мавжуд.

Сўнгги давр адабиёти ҳақида фикр юритилганда, А.Мухтор, Саид Аҳмад, П.Қодиров, Ҳ.Ғулом, О.Ёқубов, Мирмуҳсин, Р.Файзий, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, Х.Даврон, Ш.Раҳмон каби ёзувчи ва шоирлар ижодининг ҳам ёшлар тарбиясида ўрни катта.

Демак, ҳар бир ўзбек ёзувчиси ва шоири ижоди ёшларни мустақил фикрлашга ўргатади, ҳаётда ижтимоий фаол бўлишга ундайди.

Мустақил Республикамизнинг келажаги, шубҳасиз, ҳозирги ёш авлоднинг қанчалик баркамол ва маънавий етук шахслар бўлиб улғайишига боғлиқ. Бу эзгу мақсадларимизга эса таълим-тарбия тизими ва мазмунини

тубдан ислох қилмасдан туриб эришиб бўлмаслиги аён. Хусусан, “Таълим тўғрисида»ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида янги дарслик ва мажмуалар яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда бир гуруҳ адабиётшунос олимларнинг сайъ-ҳаракатлари билан умумтаълим мактаблари учун тайёрланган «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуалари собиқ шўро давридаги дарслик-хрестоматиялардан кескин фарқ қилади. Истиқлол шарофати туфайли юзага келган ва мустабид тузум мафкураси тазйиқидан батамом қутулган бу дарслик – мажмуаларимиз бир қатор ижобий фазилатларга эга. Жумладан, бадиий адабиёт намуналарига илгаргидек синфийлик ва партиявийлик нуқтаи-назаридан эмас, балки уларга, энг аввало, санъат асари сифатида ёндашиш ва бадиийлик мезонлари асосида ўрганиш, дарслик-мажмуаларимизнинг асосий хусусиятидир. Аммо олий ҳакам бўлган вақт, жўшқин ҳаёт ва амалиёт уларни ҳам синовдан ўтказмоқда.

Бинобарин, истиқлол шарофати билан бутун ҳаётимиз ва қалб-шууримизда кечаётган чуқур ижобий ўзгариш ва янгиланишлар боиси ўқувчиларимизга муносиб адабий асарлар танлаш борасидаги талаб-мезонларимизнинг ҳар хиллиги сабабли аксарият дарслик мажмуаларимиздан ҳозирча кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Таассуфланарли жойи шундаки, “Адабиёт” бўйича дастур ёки қўлланмалар яратишдан олдин бугунги мактаб, коллеж ва академик лиўейлар ўқувчиларининг рухияти ва маънавий- эстетик эҳтиёжларини, салоҳияти ва дид-савиясини етарли даражада ўрганаёلمиз, деб айта оламиз. Албатта, “Адабиёт” дарслик мажмуаларимизнинг ҳар жиҳатдан такомиллашуви бир қатор сабаб омилларга бевосита боғлиқдир. Мен уларнинг айримларига эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало, шуни такидлаш лозимки, мавжуд дарслик-мажмуаларнинг айримлари жиддий тузилиши, мазмун- мундарижаси яхлит тарзда пухта ўйланган ва умумий таҳрирдан ўтказилиши лозим.

Янги яратилаётган дарслик-мажмуалардаги “Жаҳон адабиёти намуналари” ҳар жихатдан таҳсинга лойикдир. Зеро, миллий маҳдудликдан қутулишнинг ва адабий – эстетик тафаккуримизни бойитишнинг асосий омили ҳам шу.

Бу ҳол дарсликларнинг замонавий руҳини чуқурлаштириш ва истиқлол ғояларининг давомийлигини таъминлайди, айни вақтда, Миллий дастур талабларига ҳам амалий бир жавоб бўлади. Шунингдек, таълим ислоҳоти талабларига кўра янги ташкил этилаётган академик йўналишдаги лиўейларда “Ўзбек адабиёти” ҳафтасига икки соат, чет тиллари эса беш-олти соатдан ўрганилади. Бу билан чет тиллари ва айниқса, инглиз тилининг муҳим аҳамиятини асло камситмоқчи эмасман. Президентимиз таъкидлаганидек, нурли келажагимиз равнақини таъминлайдиган, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда ва уларни Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, энг аввало, миллий ва умуминсоний қадриятлар, хусусан, она тили ва адабиётнинг ўрни бекиёс эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўзбек халқ достонларида одоб-ахлоқ мавзусига, айниқса ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш, ёшлар тарбиясига шу даражада эътибор берилганки, у эпик ўрин даражасига кўтарилган ва ҳар бир анъанавий достондан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Сафарга отланаётган ёки мустақил ҳолда бирон иш қилишга киришиш, беллашув, кўпқари, пойга, чавандозлик каби миллий ўйинлар, мусобақалар, тортишувларга қатнашиш олдидан, шунингдек, жангу жадалга бел боғлаган қаҳрамонга дуо фотиҳалар бериш, хайрлашиш, бирон эзгу мақсад сари отланиш арафасида панду насихатлар қилиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, пок ниятлар билдириш умумўзбек достонлари учун асосий хусусиятлардан саналади.

Халқ одобномасининг теран мазмунли сермаъно ҳикматлари халқни, инсонни тарбиялаш, камолга етказишга, ҳамиша диққат-эътиборда бўлганлигини кўрсатади. Уларда инсонлар ва уларнинг фаолияти соддалик, яхши ва ёмонга ажратилади. Сўнгра ҳамма хусусиятлар, ҳатти-ҳаракатлар,

муносабатлар шу икки тушунча атрофида гуруҳланади. Натижада, фалсафа фанида уқтириб келинган қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашиш қонуни ҳосил бўлади. Халқ орасида яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунчалар пайдо бўлади, ёмонликка кураши ҳисси шаклланади. Халқ орасида яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг бир-бирига муносабатидагина эмас, балки ҳайвонлар, кушлар, нарсаларга муносабатда намоён бўлади. Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад шуки:

Яхшилик зиёси юрсин юзингда,
Ёмонлик кулфати қолсин изингда.

Юзи яхшидан тўнгилма, дейди. Халқ юзда яхшилик, нур балкиб турса, инсон бахтиёр, шодон яшайди. Яхшиларга ким ёмонлик, кулфат келтираман, зиён етказаман деб, чопса ҳам, изда (орқада) қолиб кетаверсин, ета олмасин.

Яхши инсонни, яъни эътиқодли, имонли, садоқатли, ўзгаларга ғамхўр, қаҳрамон йигитлар, мардона барно қизларни тарбиялаб етказиш муаммоси халқ кадриятлари, хусусан, халқ педагогикасининг асрий ва азалий мавзуси бўлиб, бу мавзу эпик асарларда ҳам атрофлича ёритилган.

Хусусан «Зайдиной» достонида ҳам яхшилик қилиш зарурлигини уқтирилади. Хўш яхшилик нима? Уни қандай билиш мумкин? Бу ёруғ оламда ҳар бир нарса иккинчиси билан қиёс қилаётганда, бошқа қарама-қарши воқеа-ҳодиса, ҳолат, нарса, характер билан таққосланганда онгимизга мустаҳкам ўрнашади. Эзгуликни ёвузликсиз, диёнатни хиёнатсиз, адолатни зулмсиз, ёғдуни зулматсиз тасаввур қилиш қийин. Шу маънода яхшилик ҳам ёмонлик билан зиддиятда тўла намоён бўлади:

Ёмоннинг касоди тегар ҳар жойда,
Яхшининг ёрдами тегар танг жойда,
Ёмоннинг макони доим тор бўлар,
Яхшининг макони бордир ҳар жойда.

Достондаги ҳомийлар-чилтонлар дастлаб умумий тарзда ёмон ва яхши одам ҳақида тушунча бермоқда. Яъни ёмон ҳар жойда ён-атрофдагиларга зиён етказади, зарар келтиради. Яхши одам эса ўзининг аҳволи оғир бўлса ҳам,

қийналган, танг аҳволга тушиб қолган кишига кўмаклашади, уни қийин вазиятдан ўтқазади. Шу сабабдан ёмонлик қилиб нафратга йўлиққаннинг макони тор. Чунки унинг қилмишларидан хабардор кишилар шодон қаршиламайди, ундан узоқлашишга, хонадонига яқинлаштирмасликка интилса, яхшилар ҳамиша иззат-хурматга сазовор, ёруғ юз билан қарши олинади. Одамнинг феъли-атворидаги қайси хусусиятлар, ҳаракатлар яхши-ю, қай бирлари ёмон, инсон нима қилса, обрў-эътибор топиб яшайди-ю, қачон ёмон деган иснодга қолади, нафратга дучор бўлади каби хулосалар ифода этилади .

Халқ ҳамиша дилга озор берувчиларни қоралаган, манманликдан ҳазар қилган. Ёмонликлар кўп ва улар доимо бошқаларга кулфат келтириш билан чегараланмай, шу салбий хислатга эга кишини ҳам ҳам-қайғуга дучор қилади. Шу боис ёшлар ундан огоҳ бўлмоғи лозимлиги таъкидланади:

Ғийбат кўп ёмондир юракни доғлар,
Тўғрилиқ яхшидир дилларни боғлар.
Қилмасин одамзод асло манманлик,
Манманлик қилганнинг макони йиғлар.

Ушбу мисраларда ҳалол ва тўғри одамни ғийбат қилиш, унга йўқ айбларни қўйиб қоралаш, беҳуда гап сўз инсоннинг юрагини доғлаши, соғлигига путур етказиши, айни дамда ғийбатчининг сири фош бўлиб назардан қолиши, элдан ажраши ифода этилади. Шу сабабли тўғри бўлиш, ғийбатчиларга яқинлашмаслик тавсия этилади. Чунки ушбу ғоя ҳадисларда ҳам ифода этилган.

Нолима ғийбатчи жазо олмас деб,
Икки юзламага ҳеч гап бўлмас деб,
Қилган ғийбатлари учун аларга,
Мақшарда оловдан икки тилдир зеб.

Халқ оғзаки ижодининг яна бир тури чилтонлар бўлиб, чилтонларда одамнинг камтарликни одат қилиши, қайси ҳолатда, қайси даврда, қандай ишда бўлса ҳам, манманликни одат қилмаслиги, кимки манман бўлса, ўзгалар олдида имкониятларига ортиқча баҳо бериб мақтанса, манманлик қилган кишининг ўзи

хамга дучор бўлиши, манманлик кишига ўлим олиб келиши каби ғоялар илгари сурилади. Шу сабабли ғийбат ва манманликдан йироқ бўлиб, тўғрилик ва камтарликни одат қилиш бахт-саодат омилидир.

2.3. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришдаги аҳамияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги туфайли аجدодларимизнинг кадимий тарихий меросини, маънавий қадриятларини тадқиқ ва тарғиб қилишга кенг имконият яратилди. Бу имконият, айниқса, таълим мазмунининг миллий асосларини мустаҳкамлаш, дарсларни мазмун жиҳатидан бойитишга қулай методологик асос бўлди. Шу боис Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий манбалар, хусусан, тасвирий санъат асарларида акс эттирилган тарихий воқеа ва ҳодисалардаги тарихий фактларнинг талқини сифатида фойдаланиш ўқувчиларда тарихий билимларни самарали ўзлаштиришга ўзига хос педагогик қулайлик яратиши маълум бўлди. Маълумки, Шарқда тасвирий санъат жамият тараққиётига мос равишда даврнинг тасвирий талқини сифатида ривожланган. Ҳар бир ўқувчи онгида тарихий даврнинг тасвирий асарларини ўрганиш, шу даврга оид тарихий билимларни бойитиш имконини беради. Шу боис ҳам тарихий тасвирлар, деворий суратлар, миниатюра асарлари, шунингдек, замонавий рассомларнинг тарихий мавзудаги асарларини ўрганиш, ўқувчиларнинг тарихий билимларини ошириш жараёнида муҳим омил сифатида тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Республикамизнинг тарихчи, педагог олимлари ва услубчилари томонидан ҳозиргача тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари ўрганилган бўлса-да, унинг фанлараро алоқадорлик тамойиллари, хусусан, тарих таълимида тасвирий санъат асарларидан фойдаланишга оид жиҳатлари махсус илмий муаммо тарзида тадқиқ этилмаган. Республикамиз олимларидан С. Мурзаев, Р. Фатхуллаев, Х.Каримовлар мазкур муаммони санъат тарихи нуқтаи назаридан

қисман ўрганганлар. Санъатнинг тарихий аспектларини Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, А.Ҳақимов, Д.Фахретдинова, Л.Аведова, С.Махкамова, К.Оқиловаларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон тасвирий санъатининг пайдо бўлиш тарихи Г.Пугаченкова, Л.Ремпелларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган. А.Ҳақимовнинг “IV-XIII аср Мовароуннаҳр амалий санъати мазмуни ва мотивларига оид” мавзусидаги, тарихчи-педагоглар Н.Ремеев, С.Махкамов, Т.Тошпўлатовларнинг тадқиқотларида, шунингдек, бадиий педагогика йўналишини ўрганган Н.Абдуллаев, Н.Ойдинов, С.Булатов, А.Сулаймоновларнинг тадқиқотларида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгача умумий ўрта таълим мактабларида тарих ўқув фанини тасвирий санъат ўқув предмети билан алоқадорликда ўқитиш масаласи махсус илмий мавзу сифатида тадқиқ этилмаган. Бу муаммонинг ҳал этилиши тарих таълими самарадорлигини оширишни муайян даражада кафолатлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизнинг бир гуруҳ етакчи олимлари А.Асқаров, А.Муҳаммаджонов, Р.Мукминова, Ҳ.Бобобеков томонидан умумий ўрта таълим тизимида тарих фанини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштириш мақсадида бир қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Бинобарин, тарих фанида мустақиллик йилларининг дастлабки босқичидаги методологик парокандаликка, журъатсизликка, хато ва чалғишларга барҳам бериш ҳаётий зарурат эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик асослариини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар, буюк алломаларимизнинг бу билан боғлиқ тасвирий санъат асарларини ўрганиш, бу борада тарихий мазмундаги тасвирий санъат асарларини, нафақат тарихий манба сифатида, балки ўқувчиларнинг тарихий тафаккури, илмий дунёқараши, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантиришнинг муҳим манбаи сифатида ўрганиш зарурати сезилмоқда.

Тасвирий санъат манбаларидан умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихи дарсларида фойдаланишнинг амалга оширилиши тарихий ҳодисаларни бир ёқлама талқинидан қутулиб, хилма-хил фикрлаш, тафаккур

юритишга, шунингдек, тарих фанида шаклланган бир томонлама қарашлардан халос бўлишга ижобий таъсир қилувчи самарали воситага айланади.

Ўтмишнинг ибратомўз томонларини, машҳур тарихий шахслар ҳаётини бади талқин этиш бевосита тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжлари билан амал ошириладиган ғоявий эстетик жараён бўлиб, бу ҳол истиқлолга эришган мамлакатимиз халқимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг нутқларида Туркистон тарихида қомусий олимлар, машҳур саркардалар, давлат арбоблари, босқинчиларга қарши курашган халқ қаҳрамонлари кўп бўлганлиги таъкидлаб, уларнинг фаолиятини ўрганишга ҳамда элимизга ибрат қилиб кўрсатиш даъват этиб келиши ҳам бежиз эмас. Зеро, аجدодлар тўплаган тажрибани бизга етказиш бугунги кунга англашимизга, келажак сари собит қадам ташлашимизга тарих билиш асосида эришилади. Шунинг учун бўлса керак, барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машҳур тарихий шахслар ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган, уларнинг мотивлари асосида туркум тасвирий санъат асарларида миниатюралар яратилган.

Яратилган ўқув адабиётлари, умуман, ўрта таълим тизимида ўқувчилар учун Ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон тарихи фанининг умумий ўрта таълимдаги мазмуни даврлари, тарихий воқеаларнинг талқини бўйича янгича ёндашувнинг мавжуд бўлганлиги билан ҳарактерланади. Энг муҳими, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари таълим тизимида фаолият кўрсатаётган тарих таълими мутахассисларига зарур манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарих таълимини тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари воситасида ташкил этиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир. Тарихий тафаккур эса ёшлар дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Зеро, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари мазмун ва шаклнинг, мавзу ва ғоянинг бирлигини ўзида ифодоловчи асосий воситадир. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва унинг қурдирган иншоотлари, Темурнинг жасорати ва мардлиги, ўша даврдаги халқнинг турмуш-тарзи ва ҳоказолар хусусида ҳикоя қилинади. Тарихий

фактлар ҳеч вақт ёзувчини ўзига тобе қилиб қўймайди. Балки унга шу фактдан туртки олишга, унинг моҳиятини очишга давр руҳини бадиий инкишоф этишга олиб келади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари вақт ва муҳитнинг бадиий талқини, тарихнинг турли қирраларини бадиий бўёқлар ёрдамида ўқувчилар кўз ўнгида янада ёрқинроқ чизилишига, тарихий воқеалар мазмунини тўлалигича эсда сақлаб қолишига ва ўқувчиларга ўтмишнинг ибратомўз воқеалар асосида тарбия беришга хизмат қилади.

2.4. Мафкуравий таълим-тарбия, ўқувчи ёшларнинг мафкуравий дунёқараши, эътиқоди, амалий малакаларини шакллантириш, мафкуравий ҳавфсизлик ва иммунитетини кафолатлаш муаммолари

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларидан оқилона фойдаланишлари инфраструктурасини ташкил этишда, уларнинг қизиқиши, маънавий эҳтиёжларини қондиришда Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг янги имкониятларидан фойдаланиш талаб этилади. Телевидение, радио, театр, спорт саройлари, оммавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари, кўнгил очар истироҳат боғлари, клублар, дискотекалар, интернет кафе ва бошқа хизматларнинг мавжудлиги, улардан фойдаланиш ёшларда Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасини шакллантиришга ёрдам беради. Бунда, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг миллий маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам миллий мафкурани сингдириш имкониятларига эга. Ватанга садоқат, унинг олдидаги фарзандлик, йигитлик бурчини ҳис этиш руҳида тарбиялаш ёшларда мафкуравий ирода, ҳарбий-ватанпарварликни шакллантириш мафкуравий етукликни тарбиялайди.

Ўқувчи-ёшларнинг чуқур мафкуравий эътиқоди, ҳис-туйғу, иродасини шакллантиришда оила, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан

фойдаланиб, самимий мулоқотлар уюштириш, маҳалла, гузар, маданият ва спорт саройларида, нодавлат ташкилотлар, ижодий уюшмалар томонидан шоирлар билан учрашув кечалари, нафис тасвирий санъат вакиллари билан суҳбатлар ташкил этиш ёшлар мафкуравий онгги, тафаккури, ирода ва малакасини, салоҳиятини тарбияловчи таъсир қудратига эгадир.

Мафкуравий таҳдидларнинг энг хатарлиси, лекин кўзга кўринмас шакли ҳозирги Ўзбекистонда, Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида «катта давлатлар»нинг бу минтақани ўз мафкуравий таъсир зонасига киритиш, “мафкуравий бўлиб юбориш”га интилишларидир. Чор Россиясининг яқин юз эллик йиллик буюк империячилик, таҳдиди, буюк давлатчилик шовинизми, бунинг ҳалокатли оқибатлари, геополитик интилишлари кўпчиликка яхши маълум.

Айни пайтда Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси ўзининг объектив тарихий асоси бўлмиш ўзбеклар, туркийларнинг ижтимоий-миллий бир-бутунлиги шакллантириш жараёнлари, уни сақлаб қолиш йўлидаги олиб борилган тарихий ҳаракатларини: (Қадимги Турк хонликлари, Қорахонийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чиғатой Улуси, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар, Қиниқ-қўнғирот ва Қипчоқ сулолаларининг сиёсати; Туркистон Мухториятининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий платформаси – Турор Рисқулов, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов; “Чиғатой гурунги”; 20-30-йилларда олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари, сиёсий платформалари, қаҳрамонлари, Катта ва кичик Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Иброҳим Лақай, Жунаидхон ва бошқалар)ни тадқиқ этиш ва уларнинг асл моҳиятини ўқувчи - ёшларга чуқур ўргатиш зарур. Қолаверса, миллий мафкурани таҳлил

этиш, аниқлаб беришнинг долзарб муаммоларига ўзбек халқининг миллий, диний ва маданий бир бутунлигини емириб ташлаш, мавҳ этишга қаратилган ўтмишдаги ҳамда ҳозирги кунда ҳам давом этаётган очик босқинлар ва яширин бузғунчиликни таҳлил қилиш , ўзбек миллатининг шаклланиши ва тараққий этиш жараёнларини, ўзбекларнинг 92 уруғларининг келиб чиқиши ва ҳозирги аҳволини ҳам чуқур ўргатиш зарур.

Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасини ёшлар онгига сингдиришда миллий давлатчиликнинг шаклланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, Ватанимизнинг ўз ички тараққиёти натижасида эришилган ижобий ютуқларни, демократик ислоҳатлар жараёнида амалга оширилган ишлар ва ютуқларни ҳар томонлама тушунтиришдан иборатдир. Бунда миллий мафкура туб миллий кадриятлар, ватанпарварлик ғоялари, умуминсоний, демократик ғоялар, ҳуқуқ, ва кафолатларнинг ўзаро уйғунлашувини кенг тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Демак, фалсафа, сиёсатшунослик фанлари нуқтаи-назаридан миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш уларни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш учун асосдир. Чунки сиёсий маданиятни шакллантирмасдан туриб, Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасини миллатимиз, Ватанимизнинг туб миллий манфаатлари учун хизмат қилишини таъминламасдан, барқарор тараққиётни халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси ўтиш даври жамиятларида вужудга келадиган ижтимоий, маънавий-сиёсий институтдир. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам ҳозирги кунда Очик демократик фуқаролар жамиятга ўтиш каби эзгу мақсад сари ҳаракат қилмоқда. Демак, мафкурага, шу жумладан, Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасига ижтимоий ва маънавий зарурият мавжуд.

Ўзбекистон гарчи Очик демократик фуқаролар жамияти, ҳуқуқий давлатни қуришдек эзгу мақсадларни ўз барқарор тараққиётининг пировард мақсади деб эълон қилган, шу йўлдан бораётган бўлса-да, тоталитар тузумнинг зўровонлик мафкураси асоратлари инерўиясининг таъсири баъзи ҳолатларда кўзга ташланиб турибди.

Шунинг учун, Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, назарий-методологик асослари, илмий-амалий асослари, маънавий-мафкуравий меъёрларини аниқ тасаввур қилиш имконини берадиган қарашлар, назариялар, таълимотлар, концепцияларнинг мунтазам бир тизимини шакллантириш зарурдир.

Маориф ҳар қандай жамиятнинг, айниқса, демократик жамиятнинг ҳаётбахш қисмидир.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг кўр-кўрона итоат ўрнатишга интилган тоталитар жамиятдан фарқли ўлароқ демократик тараққиёт йўлини тутиб, демократик маориф олдида ўзига мустақил, қизиқувчан, ўз қарашларида тафаккурга таянган, айна пайтда демократик қонун-қоидаларга амал қилувчи, фаолият борасида ниҳоятда зукко фикр юритувчи фуқароларни тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйди.

Ўзбекистонда бугунги кунда бизнинг фикримизча, демократик жамиятда маорифнинг вазифаси ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, ижтимоий-сиёсий кадриятларни ўргатиш билангина kifояланмайди. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга асосланган далиллар келтириш қизгин бахс-мунозаралар олиб бориш, миллий урф-одатлар кадриятлар, қарашлар системасини кенгайтириш, ўқувчилар дунёқарашини шакллантириб бориш орқали сингдирилади.

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига ўтган кунданоқ демократик фуқаролик жамият асосларини қуришда маориф ўзига хос асосий вазифани бажара бошлади. Чунки демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш Ўзбекистон аҳолисининг 60 % дан кўпроғини ташкил этган ёшлар қўлидадир.

Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маориф, таълим-тарбия масалаларига муносабатни “давлат сиёсати деб тушуниш, қараш лозим”, - деб таъкидлаганларида минг бор ҳақ эдилар.

Ислом Каримов мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ ёзган “Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида “Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларига эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарсалар уларнинг сабитқадам, ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равақ топишининг асосий шартидир,” – деб ёзган эди. Ёшларни демократизм, ошқоролик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш Ислом Каримов фикрларининг асосини ташкил этади.

Ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришда ҳар бир инсондан талаб қилинадиган муҳим қадриятлар силсиласига ошқоролик, ижтимоий адолат, толерантлик, инсонпарварлик хислатларининг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Чунки ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятининг бошқа қадриятлари айнан ана шу қайд этилган тамойиллар атрофида ривожланади, қарор топади ва умумлашади. Ҳар қандай қонун инсон ҳуқуқи ва демократик эркинликни рўёбга чиқариш учун йўналтирилар экан, унинг замирида инсонпарварлик, ижтимоий адолат, толерантлик ётади, буларнинг рўёбга чиқишида эса ошқоролик муҳим ролх ўйнайди. Чунки ошқоролик бўлмаган жойда демократик қадриятларнинг қарор топиши мушкулдир.

Ғурур билан айтиш мумкинки бу принўиплар Ўзбекистон халқи учун қадимдан шаклланган, қарор топган, руҳий қадрият бўлиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин ҳам ана шу принўипларга мос бўлган қонунлар қабул қилинаётганлиги билан бирга таълим-тарбия тизимига ҳам ёшлар онгига ана шу принўипларни сингдириб бориш юклатилган.

Ҳозирги информაციон асрда, жаҳон ахборотлар тизимига уланган бир шароитда, таълим-тарбия масаласи яна долзарб масалага айланиб бормоқда.

Четдан кириб келаётган ахборот оқимидаги бизнинг миллий азалий кадриятларимизга зид бўлган қарашлардан ёшларни сақлаш, миллий ва умуминсоний, умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш долзарблиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг учун таълим тизимида аниқ имкониятлар ва яхши яратилган шарт-шароитлар мавжуд. Бундай имкониятдан бири университет, ота-она, маҳалла – мураббий тўртлик ҳамкорлигининг мукамал тарбиявий тизimini йўлга қўйишдир.

Ўқувчи – ёшлар орасидаги тарбиявий ишларда ҳам ана шу принўипларни қарор топтириш, аниқ режа асосида фаолият юритилиши зарур. Ўқувчининг она-онаси, маҳалла-мураббий ҳамкорлиги фақат ижобий натижа бериши аниқ.

Ўқувчилар гуруҳида пайдо бўлган муаммолар ёки бирон масалани ҳал қилишда, ошқоралик, тўла демократизмга асосланиш, ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзининг фикрини билдириши, ҳар бир ўқувчининг фикри инобатга олиниши, атрофлича муҳокама қилиниши муҳимдир. Айтиш мумкинки, ўқувчилар гуруҳини демократия, ошқоралик, адолат мактабига айлантириш мумкин.

Ўқувчилар билан ҳуқуқшуносларнинг ҳамда намунавий маҳаллаларнинг фаоллари билан учрашувларни вақти-вақти билан ташкил этиб бориш зарур. Суҳбат ва мулоқот режаси пухта ўйланган бўлиши, биринчи босқич ўқувчилари билан тўртинчи босқис ўқувчилари ўртасидаги интеллектуал ривожланишини ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлганлиги учун ҳам толерантлик руҳини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бошқа миллат ва бошқа диний эътиқодга мансуб бўлган кишилар билан яқин муносабатда бўлиш, меҳр-оқибатли бўлиш, иноқ аҳил яшаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларига чин инсоний муносабатда бўлиш боболаримизнинг маънавий меросидир.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларни демократизм, ошқоралик, ижтимоий адолат, толерантлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш давр ва замон талабидир. Таълим-тарбияда демократиянинг муҳим принўиплари руҳида

тарбиялаш тенглик, барқарорлик ва тараққиёт омили бўлиб хизмат қилади ҳамда жамият тараққиётининг ҳар томонлама ривожланиш омилининг кафолатига айланади.

2.5. Ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг ўрни

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёш авлод тарбиясига катта эътибор берила бошланди. Чунки мамлакатимизнинг келажаги ёшларга, уларнинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ. «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов, - айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онага, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир».

Ёшлар тарбияси, аввало, оиладан бошланади. Оилада қанчалик соғлом муҳит ҳукмронлик қилса, боланинг ҳар томонлама камол топиши, комил инсон бўлиб етишиши учун шунчалик кенг имкониятлар очилади.

Болани оилада тарбиялашнинг йўл, усул ва воситалари ниҳоятда хилма – хилдир. Шулар ичида уларни миллий анъаналар, оилавий қадриятлар руҳида тарбиялаш алоҳида ўринда туради. Юртбошимиз И.Каримов болалар тарбиясида миллий анъаналар аҳамиятига юқори баҳо бериб, бундай деган эди: «ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».

Тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди материаллари, Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек халқи қадим замонлардан бошлаб болаларни тарбиялаш соҳасида ўзига хос анъаналарга эга бўлган. Чунки фарзанд қадимдан ўзбек оиласининг бахти ва бойлиги ҳисобланган. Ота-оналарнинг болаларни севиши, ўз навбатида болаларнинг ота-онани чин қалбдан ҳурмат қилиши оила тарбиясининг асоси ҳисобланган. Болаларни гўзал хулқли, юксак ахлоқли қилиб

тарбиялаш энг қадим замонларданоқ меҳнаткаш халқнинг орзуси, истаги бўлган. Улар ўз болаларида меҳнатсеварлик, иттифоқчилик, жасурлик, ҳушмуомалалик, ота-она ва катталарга ҳурмат каби ижобий сифатларни шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Бу мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда улар халқ оғзаки ижоди материаллари – эртак, мақол, матал, топишмоқ, қўшиқ кабилардан оқилона фойдаланганлар. Болаларда ота-онага нисбатан иззат-ҳурматни тарбиялаш ўзбек оилаларининг асрлар давомида яшаб келаётган энг яхши анъаналаридан биридир. «Қобуснома» да ота-онани ҳурматлаш ҳақида бундай дейилган: «Эй фарзанд, ақл юзасидан билгинки, ота-онанинг иззат-ҳурматини бўйнингга олиш лозимдир, чунки фарзанднинг асли ота-онадир. Билгил, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадилар. Агар фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳр-муҳаббатини адо қилишдан бош тортмайди. Ота-онанинг иши сени парвариш қилиш ва сенга яхшилик ўргатишдир. Эй фарзанд, ота-онанинг кўнгилни ранжитма, уларнинг қалбини азоблама».

Ўзбек оилалари анъаналарига кўра қизларни ибодати, ҳаёли қилиб тарбиялашга жуда катта эътибор берилган. Қизлар катталарга, айниқса, эркак кишиларга тик қарамаган, юрганда оёқ товушини эшитилмаслигига, сўзлаганда майин, ёқимли оҳангда гапиришга ҳаракат қилганлар. Катталар, бегона кишилардан уялиш қиз бола учун одобиликнинг энг муҳим белгиси ҳисобланган.

Катталар ўзларининг ақл, заковатлари, ҳушфёъллиги, фойдали ва оқилона маслаҳатлари, ҳар қандай вазиятда ўзларини тута билиши, босиқлиги билан болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатганлар. Болаларда ота-она ва катталарга нисбатан бундай иззат-ҳурматни тарбиялаш ўзбек оиласининг асрлар давомида яратган энг яхши анъаналаридан биридир.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хусусияти, ички тартиб-қоидалари, бошқа оилалардан фарқ қиладиган томонлари бўлади. Ҳар бир оиланинг дам олиш, байрамларни нишонлаш, меҳнатни ташкил қилиш соҳаларида ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Лекин оилалар хилма-хил бўлса ҳам, уларнинг тарбия

соҳасидаги натижалари бир хил бўлмоғи керак, чунки улар олдида мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган ботир, жасур, меҳнатсевар, умуман олганда, комил инсонни вояга етказиш вазифаси туради.

Кўпчилик оилаларга кўтаринки руҳ, яхши кайфият, қувноқлик хос бўлади. Бундай оилаларда келишмовчилик, зиддият, нифокка ўрин бўлмайди. Оиланинг ҳар бир аъзоси бир-бирига меҳрибон, ғамхўр, илтифотли бўлади. Табиийки, бундай оилада улғаяётган ўғил ёки қиз ҳам ўз навбатида бошқаларга ғамхўр, меҳрибон, самимий, ширинсухан бўлиб ўсади. Аксинча, шундай оилалар ҳам учрайдики, уларда на қатъий тартиб ва на доимий такрорланиб турадиган анъаналар мавжуд. Албатта, бундай оилаларда ўсадиган болаларда юксак ахлоқий хислатлар, ижобий одатлар куртак отади, деб бўлмайди.

Юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек оилалари болаларга ахлоқий тарбия беришда ўзининг азалий анъаналарига эга бўлган. Бизнинг ҳозирги кундаги вазифамиз эса ўтмишда авлодлар томонидан яратилган энг яхши анъаналарни ўрганиш, қайта ишлаш ва мустақил Республикамиз талабларига мос равишда ривожлантиришдан иборатдир.

Ҳар бир оила ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда фарзандининг бадий ижодкорлигини, унинг ўзига хос томонларини аниқлаб боришлари орқали болаларга ижодкорликнинг турли кўринишлари учун шароит яратилган бўлади. Бунинг учун оилада камол топаётган ҳар бир боланинг хоҳишига қараб ижодхона яратиб бериш боланинг ижодий қобилиятини янада ривожланишига олиб келади. Айниқса, боланинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган жараён боланинг диққатини ўзига тортадиган бўлиши лозим. Оиладаги бола ижодхонаси имконияти борица Республикадаги ёш ижодкорларнинг ижодий ишлари, матбуотда берилаётган тенгқурларининг ижодий ишлари намуналари билан безатилиши зарур. Боланинг ижодхонасида оддий иш асбобларидан: учи тумтоқ қайчи, турли рангли қоғозлар, бахмал қоғозлар, ҳар хил ўлчамдаги юпқа ва қалин оқ қоғоз ва картон бўлиши керак. Шунингдек, маҳаллий табиий материаллардан сомон, маккажўхори

пояларининг қобиклари, ёпиштирилган алоҳида қоғозлар, ҳар хил юмшоқ уйинчоқлар тайёрлашга мўлжалланган шерстх, лавсан каби материаллардан фойдаланилади. Шу билан бирга сунъий материаллардан пенопласт, рангли клеёнкалар бўлиши болаларнинг оиладаги турли-туман ижодкорлик ишларини амалга оширишларида асосий манба ҳисобланади.

Болаларни оилада ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ҳар бир ота-она куйидагиларга аҳамият беришлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Оилада боланинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган рангли тасвирли китоблар билан ижодхонани бойитиш.

2. Болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга оид амалда бажарилган ишларнинг намуналари билан таништириб бориш.

3. Оилада боланинг ижодий қобилиятини ўстиришда бошқа оилалардаги болалар томонидан амалга оширилган ишларни таққослаб бориш.

Оилада болаларнинг бадиий ижодкорликларини шакллантиришнинг асосий мақсади боғча ёшидаги болаларнинг бадиий ижодкорлигини уларнинг қобилиятларига кўра ривожлантириб бориш, келажакда фан асосларини, касбга оид малака ва кўникмаларни мукамал эгаллашларига эришишдир.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир оилада болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, болани “Ўқувчи ёшлар ижодий уйига”, “Ёш ижодкорлар”, “Қўғирчоқ театри”даги болаларнинг ижодий ишлари билан таништириш, болаларнинг ижодий қобилиятини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Республикамизда ҳар бир ўқувчи ёшларнинг бадиий ижод билан шуғулланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Оилада болаларнинг бадиий фаолиятини ошириш, ижодхонани ташкил этиш ёшларда бўш вақтини мазмунли ўтказишга имконият яратади, уларнинг соғлом фикр, соғлом ҳаёт тарзини чуқур англаш ва унга амал қилишга ўргатади.

Ўзбекистон шароитида оилада болаларни ижодий қобилиятини ўстиришга қаратилган шароитлар мавжуддир. Демак, ҳар бир оилада болаларнинг ижодкорлигини ривожлантириш имконияти мавжуд. Бу эса

болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, тафаккурини ривожлантириш, соғлом фикрлашига ёрдам беради.

Демак, шахс психологиясини ўрганиш, уни камолотига жиддий ёндашиш, шахс сифатида шаклланиши учун қулай шароит яратиш ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий–иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади, маънавиятини бойитишга ёрдам беради.

Мустақил республикамиз узлуксиз таълим тизимига жорий этилган психологик хизмат таълим–тарбия самарадорлигини оширишга, ўсиб келаётган ёш авлодни касбга йўналтириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш ва ҳ.к. каби муҳим ва маъсулиятли вазифаларни амалга оширмоқда. Бу ўринда амалиётчи психологнинг мактабда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, ота-оналар билан олиб борадиган консултив (маслаҳат) ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш, уларнинг комил инсон сифатида шаклланишига маъсулият билан ёндашиш ҳар бир ўқитувчи, мураббийнинг вазифаси ва бурчидир. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун, ҳар бир ўқитувчидан, аввало, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан педагогик-психологик билимга эга бўлиш, ўқувчи психологиясидаги барча кечинмалар, имкониятлар ва психик ривождаги ўзгаришларни таҳлил қила олиши, уларни тўғри ривожлантириш усулларини билиш, яъни таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишлари талаб этилади.

Психолог олим Г.К.Тўлаганованинг фикрига кўра: «Инсоннинг хулқ-атвори ўзгарувчан, ранг-баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос «услуглари» нинг мавжудлиги ҳеч қачон ва ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ бу хулқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро инсонларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро муносабати, уларни турли ижтимоий гуруҳларга бирикуви, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир».

Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнининг самараси амалиётчи психологнинг педагогик жамоа ва ўқувчиларнинг ота-оналари

билан ҳамкорликдаги фаолиятига боғлиқ бўлиб, жамоадаги соғлом психологик муҳит муҳим ва жамият олдимизга қўйган талабларни бажаришда ҳал қилувчи ҳисобланади.

Инсон имкониятларини бошқариш муаммоси инсоннинг фуқаролик ва касбий мавқеи баҳолари, психологик йўлланмаси, яъни инсоннинг ўз муаммоларини қанчалик еча олиши ўз шахсий ҳаёти истиқболларини қандай тасаввур этиши билан боғлиқдир. Амалиётчи психолог ўқитувчининг ушбу саволларга жавоб кидиришида ўқувчи, унинг ота-онаси ва ўқитувчиларга ёрдам бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, амалиётчи психолог инсонларга ўз ҳаётий фаолияти доирасидаги психологик муаммо сифатида англаган шахсий муаммолари ечимини топишда амалий ёрдам бериш зарур. Амалиётчи психологнинг касбий муносабат доирасидаги*** кўрсатадиган профессионал ёрдами анализ билан белгиланади. Амалиётчи психолог мактаб ҳаётига фаол аралашиб, ўз хизмат вазифасини амалга оширишда жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиши зарур. Жамият эҳтиёжлари бугунги кунда «тарбияси қийин» болалар гуруҳи муаммолари билан ишлашни, шунингдек фавқулодда ҳолатларга тушган оилалар ва болаларга тезкор ёрдам, наркомания профилактика қилиш ва ҳ.к. Ушбу муаммолар билан тўқнашишни қанчалик хохламасак-да, барчаси мавжуд муаммолардир, чунки бола ижтимоий муҳитда яшайди ва муаммолардан алоҳида бўла олмайди. Амалиётчи психолог педагогик жамоа билан ҳамкорликда «тарбияси қийин» ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш, ушбу салбий ҳолатнинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш ва коррекцион чора-тадбирларни ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналар билан ҳамкорликда олиб бориш зарур, уларни интеллектуал-эмоционал-иродавий ривожланишдан орқада қолиш ҳолатларининг олдини олади. Бу ўринда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигининг уйғунлигига эришиб, ўқувчиларда соғлом фикр, соғлом дунёқараш ва соғлом эҳтиёжларни шакллантириш – бугунги куннинг маънавий-ахлокий, мафкуравий тарбиявий зарурати сифатида жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама етук,

комил инсон сифатида шакллантириш биз зиёлиларнинг умуминсоний бурчимиз эканлигини теран англашимизга аниқлик киритади.

Амалиётчи психолог ўқувчининг ўз шахсий ҳаёт йўлини қуришида, жамиятда ўз фуқаролик позицияси (ўрни)ни (оилада, мактабда, тенгқурлари орасида, меҳнатда ва ҳ.к.) эгаллашида яқиндан ёрдам бериши зарур. Бу муҳим масалани ҳал этишда мажбурий тартибда таълим-тарбия жараёнининг барча иштирокчилар – педагогик жамоа (ўқитувчилар), ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида боғловчи бўғинга айланади, шундагина самарали ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ташкил этилишига эришилади, яъни таълим – тарбиянинг ривожлантирувчи ва шакллантирувчи таркибий қисмлар таъминланади. Чунки ўқувчилар билан ишлаш жараёнида у ёки бу педагогик таъсир эртага, келгусида, истиқболда нима натижа беришини тасаввур қилиши, ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, ёшга хос ўзгаришларини ҳисобга олиш зарурки, шундагина узликсиз таълим тизимининг бир босқичидан бошқа босқичига ўтишдаги қийинчиликлар, ўсмирлик ёши билан боғлиқ қийинчиликлар (таълим жараёни иштирокчилари) тайёр бўлади ва бу ҳолат жараёнларнинг нормал ўтишига эришилади.

Дарҳақиқат, ёшларда соғлом эҳтиёж, соғлом фикр, соғлом дунёқарашнинг шакллантиришда катталар (ота-она, ўқитувчи)нинг умуман ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор шахсларнинг, жумладан амалиётчи психологнинг ўз бурч ва вазифасини теран англаши муҳим аҳамият касб этади, чунки фарзандда илк ёшлигидан тарбияланганликни шакллантириш, ўз-ўзини тўғри баҳолашга ўргатиш, зарур билим, кўникма ва малакаларга ўргатиш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш, ўз уйида ишлашга ўргатиш, меҳнат жараёнига психологик жиҳатдан пухта тайёрлаш, меҳнат жабҳасига тортиш, иш билан таъминлаш натижасида жамиятда негатив ҳолатларнинг олди олинади. «Тарбияси қийин» ўқувчиларнинг пайдо бўлишига сабаб уларнинг психологик хусусиятларини таълим-тарбия иштирокчилари томонидан яхши ўрганмаслик, тарбияда бўшлиқ педагогик жиҳатдан назорат суғулидир.

Амалиётчи психолог тарбияси қийин ўқувчилар билан ишлашда қуйидаги ўзаро таъсир усулларида фойдаланиши мақсадга мувофиқдир:

«тарбияси қийин» болаларнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу салбий ҳолатнинг пайдо бўлиш сабабларининг чуқур таҳлил қилиш, уларга индивидуал муносабатда бўлиш, улар учун психологик-педагогик маслаҳатлар бериш;

улар билан олиб бориладиган психодиагностик ва психодиагностик ва психокоррекцион ишлар дастурини тузиш ва олиб бориш;

бундай ўқувчиларнинг ота-оналари учун ижтимоий-психологик маслаҳатлар бериш; профилактик тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш;

педагоглар билан ҳамкорликда уларни ўқитиш, тарбиялиш, меҳнатга жалб қилиш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, фаолияти устидан назоратни кучайтириш.

Натижа: олиб борилган тадбирлар натижасида бундай ўқувчининг ўз ҳаёти истиқболи, ўз қўли билан яратажаги англатилади, ижобий ҳуқ-атвор қоидаларини ўзлаштириб олиш, ижобий фазилатларини қалбига сингдириб олишга эришилади ва вужудга келаётган, шаклланаётган ижобий фазилатлари рағбатлантириб борилади ва х.к.

Хулоса

Мустақил тараққиётнинг ўтган 16 йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотлар халқимизнинг маънавий янгилиниши, ҳар бир инсоннинг ўз ақлий, маънавий фаолиятини эркин намоён этиши учун имкониятлар яратди. Яъни, Республикамизда ҳар бир фуқаро жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш, сўз, фикр ва эътиқод эркинлигидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаган даврдан бошлаб, барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширила бошланди, жумладан, таълим тизимида ҳам, бу тадбирга алоҳида аҳамият берила

бошланди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” амал қила бошлади. Бу халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг яратилиши таълим мазмуни ва унинг меъёрий ҳужжатларини тубдан ислоҳ қилиш учун дастуруламал бўлди.

Бундай кенг қамровли тадбирлар натижаси ўлароқ, таълим стандартлари, деган тушунча кириб келди ва ҳозирги ўрта умумий таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари тасдиқланди, олий таълим стандартлари эса яқунланмоқда. Таълим соҳасининг бош ҳужжати ҳисобланган давлат таълим стандартлари асосида унинг намунавий ўқув дастурлари ҳам тайёрлаб қўйилган ва шу дастурлар мазмунига мос келадиган ўқув қўлланмаларини яратиш иши бошланди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар онгида миллий мустақиллик ғоясини шакллантириш узлуксиз фаолият бўлиб, бунда таълим ва тарбияни уйғунлаштириш, миллий қадриятлардан, халқимизнинг маънавий меросидан фойдаланиш билан бирга замонавий асарлар, манбалар, тарихий ёдгорликлардан фойдаланиш зарурдир.

Маълумки, таълим тизими ҳар бир давлатнинг қудрати қай даражада эканлигини белгилайди, унинг маънавияти, кўп қиррали ҳаёт тарзини илмий равишда ўрганадиган ҳамда барча ресурслар воситасида унинг ўзига хизмат қилдиришни таъминлайдиган интеллектуал кучлар йиғиндисидан иборатдир. Демак, таълим иши фан асосларини ўрганиш билан бирга фаннинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик асослариини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар, буюк алломаларимизнинг бу билан боғлиқ асарларини ўрганиш, бу борада тарихий мазмундаги тасвирий санъат асарларини, нафақат тарихий манба сифатида, балки ўқувчиларнинг тарихий тафаккури, илмий дунёқараши, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантиришнинг муҳим манбаи сифатида ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Президентимизнинг “Бунёдкорлик йўлидан” асарида: “Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди”, “Илм-маърифатга қизиқиши суёт миллатнинг

келажаги ҳам бўлмайди”, деган шиорлари мана шу улуг мақсадни амалга ошириш учун қаратилган. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, таълим бевосита маънавиятга боғлиқлиги айни замонда у миллий ғояни шакллантирувчи, такомиллаштирувчи ва уни оммага етказувчи кучдир, демак, у тўлалигича миллий ғояни ташувчи ижтимоий онг шакллари билан бириkdir. Шу таъкиддан келиб чиққан ҳолда, республикаимиз манфаатларига ҳамда миллий руҳиятга мос келадиган қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- биринчидан, Олий педагогик таълим давлат стандартлари (бакалаврият, магистратура) лойиҳасида аввало, умуминсоний ва миллий кадриятлар ҳисобга олинган. Бакалавр ва магистрларга қўйиладиган умумий талабларда йўналиши, ихтисослигидан қатъий-назар, олий маълумотли шахснинг ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳалар бўйича умуминсоний малака ва кўникмаларни эгаллашга мажбур эканлиги қоидалаштирилган. Шунингдек, умумбашарият томонидан яратилган табиий фанлар, соғлиқни сақлаш, жисмоний камолот, халқаро тил, меҳнатни илмий ташкил этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш, иш жараёнини лойиҳалаш, инсоният тўплаган тажрибаларни умумлаштириш ва шахснинг гармоник ривожланиши билан боғлиқ билимларни эгаллаш режалаштирилган.

Шу билан бирга, муайян йўналишдан ўрин олган фанлар мазмунидан ҳам жаҳон фани тараққиёти ҳамда унинг такомиллашиб бориш жараёни ҳисобга олинган. Бошқача айтганда, ҳар бир фаннинг таълим мазмунида ўша фанга кейинчалик кириб келиши кутилган янгиликлар учун ҳам имконият яратилган. Лойиҳаларда умуминсоний кадриятлардан ҳам кенг фойдаланилган.

Математик ва табиий-илмий фанлар, ихтисослик фанлари таълим дастурида аجدодларимизнинг илмий меросидан унумли фойдаланилган, жумладан, Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бехбудий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар, таниқли олимлар меросидан, йўналиш ва ихтисослик фанлари мазмунида ҳозирги замон ўзбек олимларининг илмий фаолияти натижаларидан фойдаланилган. Масалан, “Кимё” фанларини ўқитишда Ўзбекистон кимё фани

ютуклари ва кимё саноати маҳсулотлари, “Физика ва астрономия” йўналишида илмий-тадқиқот институтлари муваффақиятлари, “Тарих” фанларини ўқитишда эса, Ўзбекистон тарихининг энг янги маълумотлари ҳисобга олинган. Зеро, таълим жараёни ҳам умуминсоний, ҳам миллий кадриятлар синтезисиз фаолият кўрсата олмайди.

- Ўқув предметлари таълим дастурида ҳозирги давр мафкуравий курашига тайёр, мафкуравий иммунитет ҳосил қилинган назарий замин яратилган;

- фанларнинг мазмуни миллий истиқлол ғояси асослари билан янада мустаҳкамланди, яъни, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Мафкура майдонида бўшлиққа ўрин қолдириб бўлмайди”. Бунинг учун эса ташқи, бегона ғояларга берилиб кетмайдиган ёшларни тарбиялайдиган, уларга сабоқ берадиган педагоглар, психолог мутахассислар зарур бўлади. Бу вазифани айниқса, таъкидланаётган йўналиш ва унинг магистратура ихтисослигида амалга оширишнинг чора-тадбирлари кўрилди.

- давлат таълим стандартларининг миллий манфаатларимизга мослаб яратилганлигининг ўзи миллий истиқлол мафкурасининг таркибий қисми, деб эътироф этилишига асос бўлади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуслари билан катта ижодий гуруҳ томонидан миллий ғоя концепцияси яратилди. Лекин, бу концепция ҳар қанча мукамал бўлмасин, у тўлалигича Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, ўқувчи-ёшлар қалбига сингдириб борилмаса, ғоявий бўшлиқнинг баъзи бир қирралари сақланиб қолиши ҳеч гап эмас. Гап энди, миллий истиқлол ғояси руҳида таълим ва тарбия ишини олиб борадиган педагог кадрларни тайёрлаш вазифаси ҳақида борапти. Тўғри, миллий ғоя Президентимиз таъкидлаганларидек, ўн йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб ва даврга мослашиб боради, лекин унинг ғоявий етакчиларини, мутахассисларини тайёрлаш ишини кечиктириб бўлмайди.

Миллий ғоя, маънавият бўйича мутахассислар тайёрлашни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода таълим ишини ташкил этувчиларнинг

(тарбиячи, барча таълим босқичлари ўқитувчилари) миллий истиқлол ғояси бўйича мутахассислардир, чунки улар таълим жараёнида билим бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг ғоявий етукликларига ҳам жавобгардирлар. Демак, йўналиши ва ихтисослигидан қатъи-назар, тайёрланаётган педагог кадрларнинг ўзлари ҳозирги таълим стандартларига сингдирилган миллий истиқлол ғояларини тўғри тушунган ва етарли даражада ҳам сиёсий, ҳам ғоявий тайёргарликка эга бўлишлари талаб қилинади. Шу муносабат билан бундан қуйидаги вазифалар келиб чиқади:

* олий педагогик таълим стандартлари ва ўқув режаларининг 1- блокдан ўрин олган ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанларнинг мазмунини янада миллий истиқлол ғояси мазмуни билан бойитиш;

* умумқасбий фанлар (педагогика, психология ва хусусий методика) бўйича ташкил этиладиган педагогик амалиётларда алоқада бўладиган муассасалар тарбияланувчилари, ўқувчилари ва ўқувчиларининг бўш вақтларини миллий истиқлол ғояларини ташувчи мазмун билан ва қизиқарли қилиб ўтказиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётга жорий этиш;

* ихтисослик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари жараёнида фан асосларини баён қилиш ва мустақил ишлар мазмунини ҳам миллий ғоя билан боғлаш;

* ўқув режаларидаги олий ўқув юртлари ихтиёридаги соатлар ҳисобидан маънавият ва миллий истиқлол ғоясининг назарий ва амалий масалалари бўйича факультатив курслар ташкил этиш, бундай курслар маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш учун шу соҳанинг таниқли олимларини жалб этиш;

* ўқувчилар ўртасида миллий истиқлол ғоясининг назарий ва амалий масалаларини ёритадиган рефератлар танловини ўтказиб туриш ва ғолибларни тақдирлаш.

Маънавият ва миллий истиқлол ғояси бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган, яъни тор маънода, фақат шу соҳагагина ихтисослашган педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ўта долзарб бўлиб турибди.

Бундан ташқари олий маълумотли мутахассислар базасида малака ошириш факультетида грант ва контракт асосида “Маънавият асослари” бўйича қайта тайёрлов гуруҳини (ҳам кундузги, ҳам сиртки) ташкил этиш;

* йўналишидан қатъи-назар, ҳозирги бакалавриат йўналишларида таълим олиб турган ва маънавият, сиёсат, мафкура масалаларига қизиқадиган ўқувчиларнинг лекторийларини, уларнинг амалиётини ташкил этиш йўли билан қўшимча мутахассислик бериш;

* республика бўйича таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар, миллий ғоя мазмуни ва уни ташкил этиш ишини мувофиқлаштирувчи “Марказ” таъсис этиш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, таълим ишининг мазмунини маънавий-маърифий ишлар, миллий ғоясиз тасаввур қилиб бўлмайди, балки уларни бир мақсадга қаратилган умумий маҳражга эга бўлган моҳият деб қараш ва бу борада ижодкорлик ҳамда ташаббусларга катта эҳтиёж борлигини унутмаслигимиз керак.

Бунинг учун ҳар бир ёш қалбига бой тарихимиз, миллий қадриятларимизни ҳурматни кучайтириш, она тилини пухта билиш ва ҳурмат қилиш, она-аёлни эъзозлаш, улуғлаш, оилани мустаҳкамлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, ҳар бир инсонни қадрлаш, оилани маҳалланинг тарбия маскани эканлигини, ота-она, катталарнинг ибрат намуналарини сингдиришга аҳамият бериш лозим. Бунда, айниқса, катталар, ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийларнинг ибрат-намуна бўлишлари, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатлилик, ёшларнинг меҳрибонликни тарбиялаш орқали уларда соғлом фикрлаш, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, ғамхўр ва меҳрибонликни шакллантириш ва ёшлар орасида соғлом муҳитни яратиш, комил инсон ғоясининг ёшлар эътиқодига айланиши таъминланади, уларда ўз-ўзи назорат қилиш ҳисси шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусагасида.- Т. «Ўзбекистон», 1997. – 325 б.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. – «Шарк», 1997. – 36 б.
3. Ёш ва педагогик психология . М.Г.Давлетшин тахрири остида. Т. 1974. 192 б.
4. В.А.Крутецкий. Педагогик психология асослари. Т. 1976. 303 б.
5. «Замонавий педагогик технологияларни амалиётга тадбик этишнинг назарий ва амалий масалалари». Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. Кукон. 2002 й. 163 б.
6. А.Закиров. Особенности сотрудничества преподавателя и обучающихся в учебной деятельности. Диссертация автореферати. Т. – 2002 й. 22 б.
7. Е.Н.Кабанова-Меллер Формирование приёмов умственной деятельности и умственное развитие учащихся. М., Просвещение, 1968.
8. В.А.Крутецкий Педагогик психология асослари. Т., Ўқитувчи, 1976
9. Н.Н.Неъматов Развитие обобщающей деятельности мышления у учащихся I – II классов в процессе обучения. Тошкент, канд. диссертация, 1963.
10. Психология фани XXI асрда. Халқаро илмий–амалий анжуман материаллари. Т. 2002 й. 215 б.
11. А.Расулов. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабати даражалари. Ф.н.Дисс автореферати. Т. 2001. 22 б.
12. Таълим тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. Республика илмий–назарий анжумани маърузалари баёни. Термиз- 2002 й. 48 б.
13. Р.Ю.Тошимов. Социал тренинг асослари. Т. – 2000. – 48 б.
14. А.Рахмонов. Касб–хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўқувчиларга психологик таъсир курсатиш хусусиятларини урганиш. Дис. Автореф. Т. – 2000. 24 б.

15. Халк таълими журналлари. 1998 й. 6 – сон, 2001 й. 1- сон, 2003 й. 3 – сон.
16. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илгор тажрибалар. Журнал. 1997 й. 3-6 сонлар, Тошкент. 1998 йил 1-2 сонлар.
17. УЗМУ хабарлари. Журнал. Тошкент. 2003 2-сон
18. Таълим ва тарбия. Журнал. Тошкент. 2001 1-2 сон
19. Таълим муаммолари. Илмий-услубий журнал. Тошкент. 2002 й. 3-сон.
20. XX1 аср фани: муаммолар ва ечимлар. Анжуман материаллари. Андижон. 2003 й. 156 б.
21. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. Журнал. Тошкент. 2003 йил. 1-2 сонлар
22. С.М.Туйчиева. Мактаб битирувчиларининг маънавий кифоаси. Т., 2000.
23. Б.Г.Ананьев Человек как предмет познания. Л., ЛГУ, 1968.
24. Л.И.Анциферова Материалистические идеи в зарубежной психологии. М., Наука, 1974.
25. В.М.Блейхер Клиническая патопсихология. Т., Медицина, 1976.
26. П.П.Блонский Избранные психологические произведения. М., Просвещение, 1964.
27. С.Н.Виноградов, А.Ф.Кузьмин Логика. Т., Давлат ўқув-педагогика нашриёти, 1953.
28. В.В.Давыдов Виды обобщения в обучении. М., Педагогика, 1972.
29. В.И.Зикова Очерки психологии усвоения начальных геометрических знаний. М., Учпедгиз, 1955.
30. П.И.Иванов Умумий психология. Т., Ўқитувчи, 1967.
31. В.А.Крутецкий Психология математических способностей школьников. М., Просвещение, 1968.
32. В.А.Крутецкий Педагогик психология асослари. Т., Ўқитувчи, 1976
33. Е.М.Кудрявцева Психологический анализ трудностей в усвоении ботаники учащимся V –VI классов. «Известия АПН», вып. 61, 1954.
34. Т.В.Кудрявцев Психология технического мышления. М., Педагогика, 1975.

35. Н.Д. Левитов Детская и педагогическая психология. М., Учпедгиз, 1960.
36. А.Н. Леонтьев Проблемы развития психики. М., МГУ, 1972.
37. А.Р. Лурия Речь и мышление. М., МГУ, 1975.
38. А.А. Люблинская Детская психология. М., Просвещение, 1971.
39. А.М. Матюшкин Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М., Педагогика, 1972.
40. Н.Н. Неъматов Развитие обобщающей деятельности мышления у учащихся I – II классов в процессе обучения. Тошкент, канд. диссертация, 1963.
41. А.И. Шчербаков тахрири остида Умумий психологиядан амалий машгулотлар. Т., «Ўқитувчи», 1984.
42. М.В. Гамезо тахрири остида Психология курси. Т., «Ўқитувчи», 1972.
43. Ж. Пиаже Избранные психологические произведения. М., 1969.
44. П.П. Платонов, Г.Г. Голубев Психология. Т., «Ўқитувчи», 1982.
45. А.М. Матюшкин тахрири остида Психология мышления. М., Прогресс, 1965.
46. А.З. Редько Психологические особенности усвоения истории учащихся IV – VIII классов. – Психология усвоения истории учащимся, М., 1961.
47. М.Н. Скаткин Как проводить детей к первичным обобщениям на уроках естествознания в начальных классах. – Начальная школа, № 7, 1940.
48. О.К. Тихомиров Психология мышления. М., МГУ, 1984.
49. К. Тургунов Русча-узбекча психология терминларининг изохли лугати. Т., Ўқитувчи, 1975.
50. А.В. Петровский тахрири остида Умумий психология. Т., Ўқитувчи, 1973.
51. Туплам. Алгоритмизации и программирования обучения. М., Педагогика, 1973.
52. Туплам. Д.Б. Эльконин тахрири остида Возрастные усвоения знаний. М., Просвещение, 1966.
53. Туплам. А.А. Смирнов тахрири остида Вопросы детской и педагогической психологии на XVIII международном конгрессе психологии. М., Просвещение, 1966.

- 54.Туплам. Л.В.Занков тахрири остида Обучение и развитие. М., Педагогика, 1975.
- 55.Туплам. З.И.Калмикова тахрири остида Проблемы диагностики умственного развития учащихся. М., Педагогика, 1975.
- 56.М.Н.Шардаков Мышление школьника. М., Учпедгиз, 1963.
- 57.М.Г.Ярошевский,Л.И.Анциферова Развитие и современное состояние зарубежной психологии. М., Педагогика, 1974.
- 58.М.Г.Ярошевский История психологии. М., Мысль, 1976.